БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (1822) | 3 март, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТЛАРИ

ЧИГИТ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Бу йилги шароит одатдагидек эмас. Унинг ўзига хос хусусияти — ёғингарчиликнинг етарли бўлмаганидир. Натижада пахта далаларида нам етарли эмас. Республика сув ичидиган кўпгина дарёларнинг манбаи ҳисобланган тоғларда ҳам қор запаслари олдинги йилларгидан анча кам.

Бу эса колхозчилар ва совхоз ишчиларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ва барча қишлоқ меҳнаткашларидан мамлакатга етти йиллиқнинг учинчи йилида 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун бу йилги шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкилий ва агротехника тадбирларини ижодий равишда амалга оширишни талаб қилади.

Ватанимизга тобора кўпроқ пахта керак. Ўрток Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган тарихий нутқида пахта жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Республикамиз бу муҳим хомашёни етиштиришнинг асосий базаси эканлигини унутмаслик керак. Тўқимачилик саноатининг иши ҳамда аҳолини пахтадан олинадиган маҳсулотлар билан таъминлаш ялпи пахта ҳосилини ошириш вазифасини кандай бажаришимизга боғлиқдир. Пахтадан бўладиган маҳсулотларнинг учдан икки қисми Ўзбекистонда етиштирилган пахтадан ишлаб чиқарилади. Бу эса республикамиз пахтакорларининг бутун Совет халқи олдида ўз мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини оширади.

Ваҳоланки кўпгина районлар, колхоз ва совхозлар ўтган йилги хатолардан тегишли хулоса чиқариб олмадилар ва яна ўша хатоларни такрорламоқдалар. Жуда катта ишлаб чиқариш имкониятлари бўлишига, об-ҳаво иссиқ келишига қарамай, дала ишлари кучайтирилмаган. Ер ҳайдаш ҳанузгача тамомланмаган. Шўр ювиш ва яхоб беришда сув ресурсларидан ёмон фойдаланилмоқда. Ҳолбуки сув камчил бўлаётган бу йилги шароитда ҳар бир кубометр сувдан тўғри ва самарали фойдаланиш — биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Кўпгина районларда ўтказилган текширишлар шўр ювиш назоратсиз ўтказилаётганини, айниқса Фарғона ва Бухоро областларида ерларнинг шўри сифатсиз ювилаётганини, сув исроф қилинаётганини ва гектарларнинг тўла бўлмаслигига, ғўзанинг сийрак бўлишига ҳозирданоқ йўл очиб қўйилаётганини кўрсатди.

Ер текислаш, эгатларни текислаш, ер бурчакларини ҳайдаш, ерда намни сақлаб қолиш учун бороналаш ишлари ташкил этилмаган. Ғўнг тўплаш ва сақлаш тўғри ташкил қилинмаган. Бу эса тупроқни озуқа элементлари билан бойитиш манбаи бўлган ғўнгнинг қимматини пасайтиради. Кўпчилик хўжаликларда минерал ўғитлар очиқ ҳолда сақланмоқда.

Чигитни ўнларга аниқ тақилаб экадиган сеялкалар учун уруғлик чигит тайёрлаш қониқарли бормаётгани ҳам ташвиш туғдирмоқда. Квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг экипажларини ўкитишда, техникани ремонт қилишда, у ёки бу экиларни экиш учун ер ажратишда, шунингдек экишга тайёргарлик кўришдаги бошқа тадбирларни бажаришда жиддий камчиликлар бор.

Кўпгина агрономлар, механизаторлар, ирригаторлар ва колхоз, совхозларда, қишлоқ хўжалик органларида ишлаётган бошқа мутахассислар бундай камчиликларни яхши биладилар, аммо бу камчиликларни очиб ташламаётирлар, муросасозлик қилмоқдалар, бундай камчиликларни колхоз правленияларининг, совхоз ишлаб чиқариш кенгашларининг ва район ташкилотларининг муҳокамасига қўймаётирлар.

Илмий текшириш муассасаларининг, ўқув юртларининг катта коллективи амалий иш билан шуғулланувчиларга ҳозирги юз берган аҳволни тушуниб олишларида ёрдам бермаяпти, уларнинг диққат-эътиборини юқори ҳосил олишнинг асоси бўлган чигитни текис ундириб олишнинг зарур тадбирларини шу кунларда бажаришга қаратмаётир.

Оммавий равишда чигит тушишига бир ой қолди. Камчиликларни тугатиш, чигитни ўз вақтида сифатли экиб олиш учун шу муддат ичида жуда катта ҳажмда иш қилиш керак.

Асосий диққат-эътиборни қайси масалаларга қаратмоқ лозим?

НАМ ТЎПЛАШ ВА САҚЛАШ — ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА

Экишдан олдин ерни суғориш йўли билан тупроқда нам запасларини тўлдириш зарурияти бу йил ҳар қачонгидан ҳам ўткирроқ сезилмоқда.

Камдан-кам ёғаётган ёмғир тупроқда етарли нам бўлишини таъминлай олмайди. Барча қишлоқ хўжалик ходимларининг диққат-эътибори мавжуд сув ресурсларидан тўғри фойдаланишга қаратилмоғи зарур.

Оқин сувдан ҳозирги кунларда қанчалик яхши фойдаланилса, чигит экилгунга қадар қанчалик кўпроқ майдон суғорилса, чигит шунчалик текис униб чиқади, ғўза ўсиш даврида сув танқислиги шунчалик кам сезилади. Шунинг учун ҳам сувнинг ҳаммасини далага, шўр ювиш ва яхоб беришга оқизиш, ҳар бир литр сувдан самарали фойдаланилишини таъминлаш, сувнинг зовурларга оқизиб қўйилишига йўл қўймаслик — ҳар бир хўжалик раҳбарларининг, мутахассисларининг вазифасидир.

Маълумотда юқори кўрсаткичлар бўлишини кўзлаб кўпроқ майдонларга сув қўйиш йўли билан суғориш нормасини камайтириш ҳам мумкин эмас. Бундай қилиш шунга олиб келадики, чигит экадиган давргача тупроқда нам қолмайди, суғориш учун қилинган ишлар бефойда бўлиб чиқади.

Барча колхоз ва совхозларда сувчиларни етарли ажратиш, уларнинг кечаси ҳам, кундузи ҳам ишларини ташкил этиш, суғориш техникаси ҳақида уларга маслаҳатлар бериш, зарур бўлиб қолса тўғри суғориш намунасини амалда кўрсатиш лозим.

Кичик ҳажмдаги поллар олиш, ҳар бир пол ўртасидаги ерни яхшилаб текислаш ҳар бир полда 20-25 сантиметр қалинликда сув бўлишини таъминлаш, полларни сув бузиб кетмайдиган, сув бошқа полга ўтиб кетмайдиган қилиб мустаҳкамлаш — шўр ювишдаги асосий талаблардир. Ҳар бир полдаги сувнинг тупроққа тўла сингишига эришмоқ керак. Шундай қилингандагина тупроқнинг чуқур қатламидаги тузлар ҳам ювилади ва тупроқнинг устки қатлами бутунлай шўрсизланади ҳамда шўр босадиган ерларда ҳам чигитни текис ундириб олиш мумкин бўлади.

Қорақалпоғистон АССР, Тўртқўл районидаги колхозлар худди шундай қилмоқдалар. Автоном республиканинг шимолидаги бу колхозлар кучли шўрланган 19.5 минг гектар ерда шўрни сифатли ювиш орқали ғўза тупларининг етарли қалинликда бўлишини таъминламоқдалар ва гектаридан ўртача 25-27 центнердан хосил олмоқдалар. Ҳали вактнинг борлигида фарғоналиклар ва бухороликлар шўр ювиш маҳоратини ўрганиб келиш учун ўз вакилларини Тўртқўл районига юборсалар яхши бўлур эди. Хоразм область колхозларида ҳам шўр яхши ювилмоқда.

Кучли шўрлашган ерларда шўр ювишни бир неча бор ўтказиш талаб қилинади. Бундай майдонларга сув ерга сингиши билан қайта сув қўя бериш керак.

Яхоб беришни ҳайдалган ерларга эгат олиб ўтказиш тупроқнинг етарли миқдорда намланишини таъминлаш лозим. Сув ер остига тез сингиб кетадиган енгил тупроқли майдонларда ерни экиш вақтига яқинроқ суғориш керак. Наманган группасидаги колхозларнинг яхоб беришни ташкил қилишдаги тажрибаси намуна бўлардир. Республикамизнинг машҳур пахтакори доңгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқов ўзи раҳбарлик қилаётган трактор далачилик бригадаси ерларига албатта яхоб беради. Бу — бригада ҳар йили гектаридан рекорд ҳосил — 50 центнердан ва ундан ортиқ ҳосил олишида муҳим омил бўлмоқда.

Вазифа — экиш давригача ерларни суғорибгина қолмай, балки чигитнинг текис униб чиқиши ва вегетация даврида ўсимликнинг нормал ривожланиши учун тупроқда етарли нам сақлашдан иборатдир.

ЕРЛАРНИ ТЕКИСЛАШ — МУҲИМ ТАДБИР

Илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси барча агротехника тадбирларининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан ерларни яхшилаб текислашга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ерлар мунтазам равишда, ҳар йили текисланиши керак.

Бу йил чигит экиладиган майдонлар текисланмаган жойларда ерларни албатта текисламоқ зарур.

Текисланган ерларда тўпроқни экиш олдидан бир хилда тайёрлаш мумкин бўлади, чигитнинг текис униб чиқиши учун қулай шароит вужудга келади, квадратлар доимо аниқ чиқади. «СТВХ-4» сеялкаси билан уяларга белгиланган миқдорда чигит экиладиган ва ҳосили машинада териб олинадиган майдонларни текислашнинг аҳамияти янада каттадир. Текисланган пайкалларда ғўзани суғориш учун узун эгатлар очиш, ўқариқлар сонини камайтириш, бутун пайкалда экининг қониб сув ичишини, озуқа режимининг бир хил бўлишини таъминлаш мумкин бўлади. Яхшилаб текисланган далаларда ғўза бир хилда ўсади ва ҳосил бир вақтда етилади.

Ернинг устки сатҳини текислашни табиий нишобликни ҳисобга олган ҳолда ҳайдаш вақтида вужудга келган тепаликларни, ариқчаларни текислаш, карталарнинг четлари ва бурчакларини, ҳайдалмай қолган жойларни юмшатиш билан боғлаб олиб бориш керак.

Ер текислаш жуда муҳим тадбирдир. Ерларни текислаш учун шу мақсадда фойдаланиладиган ҳамма машиналарни ишга солиш, шунингдек қўлда текислаш ишларини ҳам ташкил қилиш, ҳар бир картани тартибга солиш зарур.

ТУПРОҚНИ ЭКИШГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ КЕРАК

Тупроқни экиш олдидан ишлашда бегона ўтлар йўқ қилиниши, тупроқнинг устки қатлами яхшилаб юмшатилиши, чигитнинг нормал чуқурликка ташланишига, ёш ғўзанинг яхши ривожланишига имкон берадиган қулай шароит яратиш керак. Бирок кейинги йилларда кўпгина колхоз ва совхозларда ерларни экишга тайёрлашда хатоларга йўл қўйилди, ер яхши тайёрланмади, уруғлик кўпинча кесак орасига экилди, оқибатда чигит текис униб чиқмади, бегона ўт босиб кетди.

Илғорлар тажрибаси ерларни экишга тайёрлаш технологиясини ҳар бир хўжаликда тупроқ шароитини, алмашлаб экилишини ва участканинг ўт босган ёки босмаганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир картада табақалаштириб ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир картанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, шундай қуроллар ва ишчи органларини қўлланиш керакки, токи кам меҳнат сарфлаб яхши натижага эришилсин.

«Совой», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари, Қорақўл районидаги «Октябрь» колхози ва бошқа кўпгина республикамиздаги илғор хўжаликларда шудгорлашнинг кандай ўтказилганлигига қараб, уни экишга яхши тайёрлашга имкон берадиган системалар вужудга келди. Илғорлар тажрибаси ҳисобга олиниб, ерни экишга тайёрлашда қуйидаги тадбирлар комплекси тавсия қилинади.

Ерни эрта баҳорда бороналашни ҳамма жойда ва кўпроқ занжирли тракторлар билан ўтказиш керак. Ерларни бороналашда занжирли тракторлардан фойдаланиш бу ишни барвақт бошлаш имконини беради. Бирок, ер етилмай туриб бороналаш мумкин эмас. Ер етилмай туриб борона қилинса, трактор ўтган жойларда тупроқ зичлашиб кетади, иш коникарли бўлмайди.

Қадимдан суғорилиб келинадиган, кам шўрлашган ва барвақт сифатли шудгор қилинган ҳамда тупроқ қиши билан совуқ таъсирида бўлган ерларни экиш олдидан бороналаш ва енгил мола босиш билан чегараланиш мумкин.

Шўри ювилган ва тупроқ зичлашиб колган ерларда, шунингдек зич тупроқли ва катта кесаклар ҳосил бўлган ерларни экишга тайёрлашда дискали бороналардан фойдаланиш керак.

Кучли шўрлашган ерларни экишга тайёрлашда чизель каби асбобларни борона билан қўлланмоқ лозим.

Бундай ерларни неча марта чизель қилиш шу ернинг аҳволига қараб белгиланади.

Экишга тайёргарлик ишларини ташкил қилишда ерларни тайёрлашнинг шундай системасини кўзда тутиш керакки, токи бунда иш сифати ҳам бузилмасин, тупроқнинг қуриб кетишига ҳам йўл қўйилмасин.

Сўнгги йилларда агротехника қоидалари кўп марта бузилганлиги оқибатида далаларнинг бир қисмида бегона ўтлар кўп чиқадиган бўлиб қолди. Шу муносабат билан ерларни экиш олдидан кўп йиллик бегона ўтлар илдизидан тозалаш муҳим тадбир ҳисобланади. Бегона ўтларни йўқотишда тишли, пружинали бороналар ва бошқа асбоблардан фойдаланиш керак. Бу иш самарали бўлиши учун вақти-вақти билан ишчи органларини тозалаб туриш керак. Тўпланган илдизлар ёқиб юборилиши лозим.

Кўк қурт кўп бўлган ерларнинг ҳар гектарига бороналаш олдидан 25 процентли гексахлорандан 60 килограмм ёки 12 процентлигидан 80 килограмм солиш керак.

УҒИТДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ

Ўсимликни тўғри озиқлантириш барвақт етиладиган мўл пахта олишнинг муҳим омилидир. Сўнгги йиллардаги амалий ишда тасдиқланган илмий текширишлар шуни кўрсатадики, фосфорли ўғитларнинг кўп қисми ва азотли ўғитларнинг ўз қисми экиш олдидан ерга солиниши керак. Ўғитни ерга ҳайдаш олдидан солиш маъқулроқдир.

Кўп ерларга шудгорлаш олдидан ва эрта баҳорда ҳайдаш олдидан ўғит солинмаганлигини ёки етарли миқдорда ўғит солинмаганлигини ҳисобга олиб, бу хатони шу кунларда, экишдан олдин тузатиш керак.

Ўғитланмаган ерларга экиш олдидан минерал ўғитларни органик ўғитларга аралаштириб солиш лозим. Бунда азотли ўғитлардан йиллик норманинг 25-30 проценти, фосфорли ўғитлардан йиллик норманинг 50-60 проценти ўғитлагич культиваторлар ёрдамида солиниши керак. Ўғитлагичнинг пичоксимон сошниклари ўғитни 30 сантиметр ораликда ва 16 сантиметр чуқурликда ташлаб кетадиган қилиб ўрнатилиши лозим. Ўғитлагични қанча ўғит сарфлаш кўзда тутилганлигига қараб мосластириш талаб қилинади.

Экиш олдидан ерга ўғит солишдаги асосий камчилик — ўғитни саёз солишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир агрегатнинг иши устидан назорат ўрнатиш ва ўғитнинг мумкин қадар чуқурроқ солинишига эришиш керак.

Ҳайдалмаган ерларга ҳам фосфорли ва азотли ўғитлар юқорида кўрсатилган миқдорда яхши чиритилган ғўнгга аралаштирилиб, ҳайдаш олдидан солинади. Чиритилмаган ғўнгни ҳайдаш олдидан солиш, шунингдек ерларни экишга тайёрлашда чиритилмаган ғўнг солиш мумкин эмас. Бундай ўғитни ғўнгхоналарда чиритиб сўнгра ғўзанинг ўсиш даврида минерал ўғитларга аралаштириб фойдаланиш керак.

Ҳайдаш олдидан минерал ўғит солинган ерларга ҳам чигит экиш билан бир вақтда оз миқдорда фосфор ва азот солиш талаб қилинади. Бу ўғит ўсимликнинг ёш вақтида озиқланиши учун зарурдир. Бунинг учун «ДТ-24» тракторига сеялка билан бирга ўғитлагич ҳам осилади. Ҳар гектар ерга 100 килограмм суперфосфат ва 25 килограмм сульфат аммоний, сульфат аммоний етишмаган тақдирда 15-20 килограмм аммиак силитраси чигит экиладиган қатордан 5-7 сантиметр четроққа, 10-12 сантиметр чуқурликка солинади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Кўкламги экишга тайёргарликни текширамиз

ҚАРОР ҚОҒОЗДА ҚУЮҚ, ДАЛАДА ИШЛАР СУЮҚ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"НИНГ рейд бригадаси

Елғон гапнинг умри қисқа, дейдилар. Шу мақолни 1-«Боёвут» совхозининг раҳбарларига бир эслатиб қўйиш зарур бўлиб қолипти. Чунки, улар ҳамон қоғозбозлик қилиб, «биз у қилиб қўйдик, бу қилиб қўйдик» деб мақтанмоқдалар. Чала ишларни тўла, оз ишларни кўп қилиб кўрсатмоқдалар.

Совхоз — Янгиер шаҳрининг энг йирик хўжалиги. Унинг донги ҳам чакана эмас. Бу обрў чинакам фидокорлик, ҳалол меҳнат туфайли қўлга киритилган. Бирок, кейинги йилларда совхоз қадими шуҳратини йўқотиб қўймоқда. Ҳосилдорлик тобора камайиб кетаётир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Совхознинг тажрибали пахтакорлари, жонкуяр коммунистлари билан суҳбатлашсангиз, маҳаллий ўғит ҳақида кўп ачиниб гапиришади. 1960 йилда далага кам ғўнг чиқарилиб, қоғозда қойил қилинганини, бу йил ҳам худди ўша йўлдан кетилаётганини айтиб, қаттиқ ачинишади.

Ўрток Отахон Мансуров бошқарувчи бўлган 2-бўлимни олайлик. Ўтган йили кўкламда Ўрток Мансуров жуда баланд кетди. 725 гектар ериндан 32 центнердан ҳосил оламиз, ундан бир грамм ҳам ками йўқ деб лоп урди. Бу гапларни у қалбаки маълумотлардан мадад олиб айтган экан. Орадан сал ўтмай, бошлиқ хиёл бўшашди. Совхоз раҳбарлари олдида бироз ҳижолат тортгандай, «ўтган ишга салавот, пича янглишпимиз, 32 эмас, 30 центнердан ҳосил берамиз» деди.

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти бунга ҳам рози бўлди. Бирок, бир неча ҳафтадан кейин Мансуров олган ваъдасини ўйлаб, чўчийдиган бўлиб қолди. Мажбуриятни ўзгартириш ҳақида очиқ гапирмаса ҳам, дуч келган кишига «ўтган ишга салавот, озгина янглишибмиз» дейдиган бўлди. Яна бир неча ҳафта ўтиб, у шаҳар газетасига мақола ёзди. Мақоланинг бизга керакли жойи қуйидаги жумлалар:

«Бўлим бўйича ҳар гектар ердан пландаги 20 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини оламиз. Аҳдимиз қатъий. Сўзимизнинг устидан чиқамиз».

Ёз ўтди, куз кетди. Мажбурият ҳам бажарилмади, план ҳам. Агар ўрток Мансуров 1960 қишлоқ хўжалик йили бошида кўп гапириш ўрнига кўп иш қилганида, маҳаллий ўғитни қоғозда кўрсатилганича тайёрлаганида, лоақал кейинги мажбуият бажарилмасмиди?

Энди бу йилги ишга қаранг. Бўлим 4 минг тонна ғўнг тайёрлаш керак. Қоғозларда кўрсатилишича, бу топшириқ 45 процент бажарилган. Аммо далада қанча маҳаллий ўғит бор?

Ўрток Тўрақулов бошлиқ бригада ғўнг тўплашда бўлимнинг илгори эмиш. Раҳбарларнинг ён дафтарида бу ҳақда катта рақамлар ёзилган. Айниқса пўнг чиқариш қойил-мақом, аслидачи? Айтишга ҳам тил бормайди. Аҳён-аҳён ерда ярми хашак, ярми ғўнг бўлган кичик-кичик уюмчалар бор. Бўлим раҳбарлари йўлда чеҳралари очиқ, тиллари узун бўлиб келаётган эдилар. Ҳалиги тўпчаларни кўриб, нафаслари ичига тушди.

— 30 десак озроқ бўлару, 40 тонна чиқади, — деди уларнинг бири гера қараб. Маълумотда эса шу ғўнг 100 тонна дейилган.

Бошқа бригаларда ҳам аҳвол шундай. Бу йил бўлим ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олган. Агар ғўнг тўплаш шу хилда борадиган бўлса Ўрток Мансуров йил охиригача мажбуриятни яна уч марта ўзгартирармикин, ёки хатолар тузатилиб, ваъда қатъий бўлармикин?

Энди Ўрток Х. Норчаев бошқарувчи бўлган 9-бўлимни олайлик. Бу бўлимнинг ерлари совхозда анча намқувват, шўри кўпроқ, дейишади. Шундай экан, кўчатнинг нормал бўлишини таъминлаш, ҳосилнинг мўл бўлишига эришиш учун нима қилиш керак? Ерга кўпроқ ғўнг солиш керак. Ўрток Х. Норчаев ҳам, старший агроном Ўрток Ў. Ўроқбоев ҳам буни яхши билишади. Ташқаридан қараганда иш ҳам дуруст кўринади. 9 та арава ғўнг ташишга ажратилган. Қоғозлардаги рақамларга қарасангиз, пландаги 4 минг тонна ўрнига 3 минг тонна ғўнг тайёрлаб қўйилган. Ҳақиқатда эса тўпланган маҳаллий ўғит минг тоннага ҳам етмайди.

Старший агроном Ўрток Ў. Ўроқбоев йўл-йўлакай кўкламги ишларнинг боришини тушунтириб кетди. Шу пайт қаршидан 4—5 киши чиқди. Кун қиёмдан оққан, соат 3—15 минут эди.

— Оббо, сал кечикибмиз-да, — деди агроном отнинг жиловини тортиб.

— Нега?

— Кўраяпсизми, одамлар ишдан қайтиб келишаяпти. Ариқ чопишаётганини бориб кўрмоқчи эдим.

Кейин ў бригада бошлиғи Бектемир Мусурмонқуловдан сўради,

— Бугун нечта одам далага чиқди?

— Олти киши.

Шу билан савол-жавоб тугади. Бригадир қишлоққа, агроном эса кимсасиз далага жўнади.

5 минг гектар ерга чигит экиладиган, давлатга 13 минг 800 тонна пахта сотадиган 1-«Боёвут» совхозида дала ишлари ана шундай бораётир. Кўклам келиб, тер тўкиб меҳнат қиладиган, мўл ҳосил учун мустаҳкам пойдевор тикланадиган шу долзарб кунларда ҳам раҳбарлар уйқисираб юришипти. Улар мажлисларда кўп гапиришиб, ўтган йилги қарзлардан бу йил албатта қутиламиз дейишса-да, хатоларни тугатиш ўрнига уларни кўпайтирмоқдалар. Техника ремонти кечириб бўлмаслик даражада сифатсиз ўтказилаётганлиги, 24 минг тонна ўрнига 15 минг (бу ҳам қоғозда, холос) тонна ғўнг тайёрланганлиги, ариқ-зовурларни тозалаш ҳамон тугалланмаганлиги директор Қ. Рашидов, партком секретари Т. Хўжаев ўртоқларнинг назарида хато ҳам эмас, камчилик ҳам.

Мўл ҳосил кўтариш ниятида бўлган деҳқон ҳамма ишни бажариб қўйиб, чигит экишни кутиб турипти. Улар айтадиларки, кўкламдаги бир кун имиллаш ёзда бир ҳафта кечикиш билан баравар. Яхши ишланган, ғўнг билан тўйдирилган ерга чигит ташлаш — бир кўсакни икки, 10 кўсакни 20 қилиш демакдир. 1-«Боёвут» совхозининг раҳбарлари бу ҳикматли гапларни унутмасинларда, даладаги ишларни қоғозлардаги рақамларга мослаб олсинлар. Акс ҳолда куз келгач, юзлари шўхит бўлиб қолади.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

М. СУЛТОНОВ,
«Ленин йўлидан» газетасининг ходими.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг раиси Иван Антонович Цой туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ҳамда кўп йиллар давомида самарали ишлагани учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

КОЛХОЗ РАИСИНИ ҚУТЛАШ

ЯНГИБОЗОР, 2 март. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг аъзолари шу колхознинг раиси Иван Антонович Цой туғилган кунинг олтмиш йиллигига бағишланган юбилейни нишонладилар. Юбилейга қўшни районлардан дўстлар, область партия ва совет ташкилотларининг вакиллари келдилар.

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари М. В. Ким колхоз ишлаб чиқаришининг ана шу истеъдодли ташкилотчисининг меҳнат фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Етти йиллиқнинг иккинчи йилида колхоз аъзолари пахта, луб экинлари, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириб, кўпгина чорвачилик маҳсулотлари олдилар. Колхознинг даромади йил сайин кўпайиб, колхозчиларнинг турмуши тобора кўркам ва бадавлат бўлиб бормоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «III Интернационал», Свердлов номли колхозларнинг раислари М. Хван, Н. Нишонбоев, Д. Ким, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси А. Матқобулов ва бошқалар юбилярни чин кўнгилдан табрикладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, кўп йиллар давомида самарали ишлаганлиги учун И. А. Цойни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоков Иван Антоновични чин кўнгилдан табриклаб, унга кўп йиллар сиҳат-саломатлик ва меҳнатда янги муваффақиятлар тилайди.

«Правда» колхозининг аъзолари ўз раҳбарининг мукофотланишини бутун колхоз аъзоларининг фаолиятига берилган юксак баҳо деб қабул қилдилар. Улар шу кунларда КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлидаги бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Совет касаба союзларининг Марокаш меҳнаткашларига табриги

МОСКВА, 1 март. (ТАСС). Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети Касабланкага телеграмма юборди. ВЦСПС ўзининг бу телеграммасида мамлакат мустақил деб эълон қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан СССРнинг 56 миллион ишчи ва хизматчилари номидан Марокаш меҳнат союзига ва Марокашнинг барча меҳнаткашларига қардошлик саломи ва табриклар йўллайди. ВЦСПС миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида, миллий тараққиёт йўлида, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик йўлида олиб борилаётган курашда марокашликларга катта муваффақиятлар тилайди.

УРАЛДАГИ ОБЛАСТЛАР ВА АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

СВЕРДЛОВСК, (ТАСС). Шу йил 1 мартда бу ерда Уралдаги областлар ва автоном республикалар қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши очилди. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг ўринбосари Г. И. Воронов, РСФСР Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский кенгашда қатнашмоқ учун Свердловскга келдилар. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар бўйича пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Л. Ф. Ильичев қатнашмоқда.

Округ офицерлар уйининг катта зали кишилар билан лиқ тўлган. Бу ерда ҳозир бўлганлар Н. С. Хрушчев, шунингдек Г. И. Воронов, Д. С. Полянский, областлар ва республикаларнинг раҳбар ходимлари, совет қишлоқларининг донгдор кишилари президиумга чиққанларида уларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг ўринбосари Г. И. Воронов кенгашни очади.

Кенгашда Свердловск область партия комитетининг биринчи секретари А. П. Кириленко, КПСС Бошқирдистон область комитетининг секретари З. Н. Нуриев, КПСС Курган область комитетининг секретари Г. Ф. Сизов, КПСС Оренбург область комитетининг секретари В. А. Шуригин, Пермь область партия комитетининг секретари К. И. Галаншин, КПСС Удмуртия область комитетининг секретари И. П. Скулков, КПСС Челябинск область комитетининг секретари Б. В. Руссак ўртоқлар ахборот бердилар.

Область партия комитетлари секретарларининг ахборотларидан сўнг Урал зонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш масаласини муҳокама қилиш юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда Оренбург областидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи В. С. Капралов, Бошқирдистон автоном республикасидаги «Победа» колхозининг раиси Х. К. Зарипов, Челябинск областидаги Сосновск совхозининг ёш сут соғувчиси Берта Миль, Удмуртия АССР «Дружба» колхозининг бригада бошлиғи А. К. Неклюдов, Курган области Петуховский район партия комитетининг секретари М. Д. Савельев ўртоқлар сўзладилар.

Шунингдек музокараларда Пермь областидаги Савинский совхозининг сут соғувчиси М. Шаймарданова, Оренбург областидаги «Октябрский» совхозининг жун қирқувчиси Е. Ф. Якушева, Свердловск области Сухановский совхози трактор бригадаси бошлиғининг ёрдамчиси В. Я. Сабуров, Бошқирдистон АССРдаги Ленин номли колхозининг механизатори З. Х. Кабиров ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

СВЕРДЛОВСК, 2 март. (ТАСС). Уралдаги областлар ва автоном республикалар қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг бугуни эрталабки мажлисида Пермь областидаги «Новая деревня» колхозининг раиси В. П. Силин, Курган областидаги «Заветы Ленина» колхозининг дала мудири Т. С. Мальцев, Челябинск областидаги Багаряк совхозининг директори В. Я. Жуликов ва бошқа кишилар сўзга чиқдилар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси XV сессиясининг иккинчи қисмида қатнашадиган СССР делегацияси

СССР Министрлар Совети БМТ Бош Ассамблеяси XV сессиясининг иккинчи қисмида қатнашадиган СССР делегациясини: А. А. Громико (делегация бошлиғи), В. А. Зорин, А. А. Соболев, С. Г. Лапин, З. В. Мироновалардан иборат составда тасдиқлади.

Бундан ташқари, делегация аъзоларининг ўринбосарлари, маслаҳатчилар ва экспертлар ҳам тайинланди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида техника ремонти сифатли ўтказилмоқда. Ремонт ишларида устахона ходимлари билан бирга тракторчилар ҳам актив иштирок этмоқдалар. Айниқса, тракторчи Қўрғонбой Бойматов ҳаммага намуна бўлиб меҳнат қилаётир. Суратда: ўртоқ Қўрғонбой Бойматов.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ) фотохроникаси.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР САЙЛОВИ ОЛДИДАН

Суратда: Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз бошланғич партия ташкилоти секретари, 313-сайлов участка комиссиясининг раиси ўртоқ А. Қодирхўжаев сайловчилар билан суҳбат ўтказмоқда.

А. Абалян фотосн.

Жонли суҳбатлар

Қодир ишдан бўшагач, тўғри агитпунктга кирди.

— Қодир, яхши шу ерда экансан,— деди бош агитатор Зинаида Борисовна қўлидаги даста китобларни стол устига қўяр экан, —эртага ёш сайловчилар билан учрашув бўлади, шунга тайёргарлик кўр.

Эртасига кеч кирабошлагач, завод клубига бирин-кетин йигит-қизлар, заводда қурилишда фидокорона меҳнат қилган азаматлар кириб келишди. Агитатор бугунги суҳбатида совет сайлов системаси, совет гражданларининг ҳуқуқлари ҳақида гапирди.

Қодир Раҳимов армия сафидан қайтиб келгач, карбюрид заводига ишга кирди. Тез орада у ўзининг меҳнатсеварлиги, интизомлиги билан завод коллективи орасида обрў қозонди.

Шу кунларда Қодир ҳамкасби Ботир Фозилов билан биргаликда ўзига биркитилган участкада номзодлари кўрсатилган депутатларнинг таржимаи ҳоллари билан сайловчиларни таништирмоқда.

К. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

БИР ПОСЁЛКА АГИТАТОРЛАРИ

Шу кунларда Оҳангарон районидаги Облиқ посёлкаси аҳолиси ўртасида юксак сиёсий активлик ва меҳнат кўтаринкилиги сезилмоқда.

Ана шу активлик, меҳнат ғайрати, ижодий ташаббуснинг юзага келишида, унинг тобора кучайиб, кучли тўлқинга айланишида посёлка аҳолиси ўртасида сиёсий агитация олиб бораётган агитаторларнинг катта хизмати бор.

Посёлкада маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш юзасидан ташкил этилган сайлов участкалари ҳузурида 11 та агитпункт ишлаб турибди. Ана шу агитпунктларга 229 агитатор хизмат қилаяпти. Улар асосан олий ва ўрта маълумотли коммунист ҳамда комсомоллардан иборат. Улар орасида кўпгина ўқитувчилар, врачлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари бор.

Ҳар бир агитпунктга киришингиз билан эътиборингизни ундаги жиҳозлар, шиор ва плакатлар жалб қилади. Қизил бурчакларга Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида Низом, совет сайлов системаси ва социалистик демократиянинг ривожланишига таллуқли брошюралар, бадиий адабиёт асарлари, газета ва журналлар тартиб билан терилиб қўйилган.

Айниқса 19, 20, 22 ва 27-агитпунктларда сайловчиларга хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Агитаторлардан А. Эралиев, Х. Аҳмедов, С. Ҳошимова, Б. Нажимова, С. Нишонова каби ўртоқлар бошқаларга намуна бўлаяптилар.

Ҳар бир агитпункт ўз иш планига эга. Оммавий-сиёсий ишлар ана шу план асосида олиб борилмоқда. Агитпунктларда ҳафтада бир марта агитаторларнинг йиғилиши ўтказилаётир. Унда агитаторлар ўз ишлари ҳақида гапириб бермоқдалар, агитацияни қандай қилиб кучайтириш ва мазмунини бойитиш ҳақида ўзаро маслаҳатлашиб олаяптилар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

ХАЛҚ КАНДИДАТЛАРИ

МИРОБНИНГ БАХТИ

Маҳмудтўра ака Рустамтўраевнинг номини Октябрь район коммунал хўжалик бўлимининг ходимлари ҳурмат билан тилга оладилар. Ҳақиқатан ҳам ҳар қанча ҳурмат қилса арзийди. У район коммунал хўжалик бўлимида 12 йилдан буён бош мироблик вазифасида ишлаб келаяпти. Рустамтўраев ўз вазифасини жуда ҳалоллик билан бажаради. Қаерда қанақа ариқ бор, бу ариқларда қанча ҳажмда сув оқишини беш бармоқдек билади. Мироблик вазифасига ўтган кунидан то ҳозиргача у, ўнлаб янги усулда тўғонлар қурилишига, шаҳар атрофидаги қамишзор ва тўқайзор ерларга сув чиқариб, уларни ҳосилдор ерларга айлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам халқимиз ўртоқ Рустамтўраевнинг меҳнатларини, ташкилотчилигини ҳисобга олиб, уни район Советига депутат қилиб кўрсатди.

— Мен 1919 йилдан буён партия аъзосиман, — дейди Маҳмудтўра ака, — шу давр ичида партиямиз томонидан берилган вазифаларни бажариш учун қўлимдан келганича хизмат қилиб келмоқдаман. Халқимиз мени ҳурмат қилиб, депутатликка номзодимни кўрсатган экан, бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

М. МИРЗАЕВ.

Суратда ўртоқ Маҳмудтўра Рустамтўраев.

ЧИГИТ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ҳар бир бригада ва ҳар бир пайкалга бутун йил давомида ўғит солишнинг планини ҳозирданоқ тузиб чиқиш ва унга қатъий риоя қилиш керак. Бунда ғўзага ўғит солишни июль ойининг биринчи ярмида тугаллаш кўзда тутилмоғи лозим.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШГА КЎПРОК ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ҳамма жойда ғўзани гоммоз касаллигидан зарарсизлантириш ва уни илдиз чириш касалидан ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан сақлаш мақсадида уруғликни дорилаш керак.

Кўпгина колхоз ва совхозлар гоммозга қарши мис трихлорфеноляти билан дориланган уруғлик оладилар. Дориланмаган уруғлик оладиган хўжаликлар эса, чигитни ўзларида дорилашни ташкил қилишлари лозим. Дорилаш сифатини яхшилаш ва бу иш устидан техника назоратини кучайтириш мақсадида уруғлик чигитни дорилашни колхоз ва совхозларда марказлаштирган тартибда бир жойда ўтказиш ва сўнгра дориланган чигитни бригадаларга тарқатиш талаб қилинади.

Кўпгина хўжаликлар уруғларни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкаларда экиш учун туксизлантирилган чигит оладилар.

Мис трихлорфеноляти билан дориланган тукли чигитни майдончаларда ивитиш лозим. Чунки чуқурларда ивитилганда дорилашнинг самараси қолмайди.

Экишнинг бошларида, тупроқда нам етарли бўлган ва бир кечакундуздаги ҳарорат 11-12 даража дан ошмаган шароитда, ивитилмаган қуруқ чигитдан фойдаланиш мумкин. Бунда чигитнинг ерга яхши тушиши учун совет сортлари уруғининг бир тоннасини 100 литр сув билан ҳўллаш керак.

Чигит ҳарорат баланд пайтда экиладиган бўлса, уруғликни 8-10 соат давомида ивитиш керак. Бунда бир тонна уруғликни икки марта ивитиш учун 700-800 литр сув сарфланади. Уруғликни ҳар бир ивитгандан кейин уни тўплаб, устини 4-5 соат давомида брезент билан ёпиб қўйиш керак.

Ёш ғўзани кўк қурт ва бошқа зараркунандалардан сақлаш учун тукли чигит ивитилгандан сўнг уни 12 процентли гексахлоран дусти билан дорилаш керак. Бунда ҳар тонна уруғликка 40 килограмм дуст сарфланади.

Чигит экишда белгиланган нормага қатъий риоя қилиш, уруғликнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик керак.

Туксизлантирилган ва сараланган, заводда дорилланган уруғлик хўжаликларда дориланмайди, ивитилмайди. Туксизлантирилган чигит хўжаликларга тарқатилаётганда сертификат билан таъминланади, унда эса пахта нави, репродукцияси, униб чиқиш даражаси ҳамда сеялка экиш аппаратининг диск номери кўрсатилган бўлади.

Уруғлик чигит сертификатсиз пахта тозалаш заводларидан ёки тайёрлаш пунктларидан қабул қилиб олинмаслик керак.

ЭКИШ ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИЛСИН

Чигитни барвақт ундириб олиш ва ғўзанинг соғлом бўлиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бригадирлар об-ҳавони, ўтган йиллардаги тажрибаларини, ишлаб чиқариш имкониятларини ва бошқа шароитларни ҳисобга олиб, чигит экишнинг энг яхши муддатларини жуда диққат билан белгилашлари керак. Чигит экишга қулай бўлган 7-8 кун шундай танлансинки, токи натижанинг яхши бўлишига ишонч комил бўлсин. Чигит экишни ерга амал келмай туриб барвақт бошлаб бўлмайди, аммо экишни тупроқнинг устки қатламидаги нам бугланиб кетадиган пайтгача чўзиб юбориб ҳам бўлмайди. Бундай қилганда вегетация даври қисқариб қолади ва ҳосил кеч етилади.

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон», Поп районидаги «Правда», Ленин районидаги Хрушчев номли, Жиззах районидаги Ленин номли, Денов районидаги «8 Март», Урганч районидаги Охунбобоев номли ва бошқа кўпгина колхозлар агротехниканинг асосий масалаларидан бири бўлган чигит экиш муддатини тўғри белгилаш натижасида мўл пахта ҳосили олмоқдалар. Бу хўжаликларда чигит экиш муддати белгиланганда тезроқ рапорт бериш кўзда тутилмайди, балки мўл ҳосил етиштириш кўзда тутилади. Ана шу мақсадда ҳар бир сеялканинг, режа симининг, кўчма қозиқнинг аҳволи текшириб чиқилади.

Туксизлантирилган чигит замбуруғ касалликларига чидамли эмас. Шунинг учун ҳам ер етарли исимаган бўлса, туксизлантирилган чигитни экишга тукли чигит экила бошлагандан сўнгги 4-5 кун ўтказиб киришиш ва уни мумкин қадар қисқа муддатда тугаллаш лозим.

Ҳар бир хўжаликнинг ўзида тупроқ шароитини ва рельефни ҳисобга олиб участкаларга чигит экиш навбатини белгиламоқ зарур. Биринчи навбатда енгил тупроқли, ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларга, шунингдек баланд ерларга ва кунгай ерларга экиш лозим.

Тукли чигит 4-5 сантиметр чуқурликка, туксизлантирилган чигит эса 4 сантиметр чуқурликка экилиши керак. Бундан саёз экилса, ёғингарчиликдан сўнг чигит қатқалоқ орасида қолади ва қатқалоқни юмшатиш вақтида ер юзасига чиқиб қолиши мумкин. Чигитни юқорида кўрсатилганидан чуқур экиб бўлмайди, чунки уруғликнинг униб чиқиши кечикади, ғўза нимжон бўлади ва илдиз чириш касали билан зарарланади.

Ўзбекистон пахтакорлари бу йил 1 миллион 50 минг гектар ерга чигитни режа сими тортиб экиш мажбуриятини олганлар. Чигитни квадрат-уялаб экиш уни оддий усулда экиб, механизмлар билан букетировка қилишга нисбатан катта қулайликлар туғдиради. Бу қулайликлар шундан иборатки, квадрат-уялаб экилганда чигит тежалади, энг муҳими эса — чигитнинг текис униб чиқишидир, чунки уяларга уруғликнинг тўп тушиши ниҳолларнинг тупроқ қатламини осонлик билан ёриб чиқишига жуда қулай бўлади. Бундан ташқари экиш жараёнидаёқ пайкаларни икки томонлама ишлаш имконияти яратилади.

«СТВХ-4» сеялкаси билан чигитни уяларга аниқ экиш бундан буён янада ривожлантирилади. Шу йилнинг ўзида 250 минг гектар ерга ана шу усулда чигит экилади. Бу тадбирни муваффақиятли амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки аниқ экиш — пахтачиликда техника тараққиётининг асосий масалаларидан биридир.

«СТВХ-4» сеялкаси экиш аппаратининг асосий детали — беш ячейкали биринчи дискдир. Бу дискнинг қалинлиги 6,5 миллиметр бўлиб, унда ҳар бир уяга бир хил катталикдаги 5 та чигитни ташлаш учун 5,5-6 миллиметрли ячейкалар бўлади. Бу диск республикамизнинг деярли ҳамма районларида экиладиган «108-Ф», «137-Ф», «138-Ф», «144-Ф», «149-Ф», «153-Ф», «С-47-27» навли пахталарнинг ўртача катталикдаги чигитини экишга мўлжаллангандир. Айрим сортларнинг чигити бошқа ҳажмда бўлиб, шу муносабат билан Қорақалпоғистон АССР га жўнатилаётган сеялкалар 3-сон қўшимча дисклар, Сурхондарё областига жўнатилаётган дисклар эса 2-сон дисклар билан юборилмоқда. Бухоро областига эса 2-ва 3-сон дисклар ҳам юборилаётир. Бу дисклар ҳам, йирик ёки майда чигитли нав пахтанинг бир хил катталикдаги уруғини уяларга экишга мўлжалланган.

5,5 миллиметр қалинликдаги 2-сон дискнинг ячейкалари 6-6,5 миллиметрли бўлиб, «С-6002», «С-6022», «С-1622», «С-3017» ҳамда «5476-И», «5904-И» нав пахта чигитини экишга мўлжалланган. Бу навли пахталарнинг чигити йирикроқдир.

3-сонли дискнинг қалинлиги 5,5 миллиметр бўлиб, ундаги ячейкалар 5,5—6 миллиметрли дир. Бу диск «С-450», «С-555», «С-1581», «КК-1083», «КК-2056» нав пахта чигитларини экишга мўлжалланган. Бу нав пахталарнинг чигити майдароқ бўлади.

Экиш сифатини яхшилаш мақсадида «СТВХ-4» сеялкаси кесак сургич, шунингдек тупроқ устини қотирадиган резинали каток билан жиҳозланган.

Тупроқнинг устки қатлами қуриб қолган бўлса, бундай ҳолларда сеялкага қуруқ қатламни четга суриб кетадиган асбоб ўрнатилади. Бундай қилинганда чигит нам тупроққа экилади.

Ҳар бир сеялкага 12 миллиметрли ячейкага эга бўлган дисклар ҳам қўшиб юборилади. Бу диск маккажўхори экиш учун мўлжалланган бўлиб, катта-кичиклигига қараб уяларга 2-3 талан уруғлик ташлайди.

Бу дисклардан турли нав пахта чигитини ҳар бир уяга 6-7 талан ташлаб экишда ҳам фойдаланиш мумкин. 12 миллиметр ячейкали дисклардан чигит экишда жуда зарур бўлиб қолганда, яъни тупроқ шароити уяларга кўпроқ чигит ташлашни талаб қилган тақдирдагина фойдаланиш керак.

Шунингдек ҳар бир сеялка учбурчак шаклидаги дискка эга. Бу диск сараланмаган оқжўхори уруғини ҳар бир уяга 5 талан ташлаб экишга мўлжалланган.

Аниқ экиш сифатли бўлиши учун янги сеялкани ва туксизлантирилган чигитни экиш усулларини яхши билибгина қолмай, ернинг экишга яхши тайёрланишини, тупроқда намнинг етарли бўлишини, агротехника даражасининг юқори бўлишини таъминлаш керак.

Пахтани машинада териб олишга ҳозирдан тайёргарлик кўриш даркор: машина теримига майдонларни ажратиш, бу ерларни экишга жуда пухта тайёрлаш ва чигит экишни энг яхши агротехника муддатларида сифатли ўтказиш талаб қилинади. Айниқса қаторларнинг тўғри бўлишига, қатор ораларининг баравар кенглиқда бўлишига эътибор бериш керак.

ГЕКТАРЛАРНИНГ ТЎЛА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ғўзанинг сийраклиги айниқса Тошкент, Фарғона ва Бухоро областларида паст ҳосил олиниши-нинг асосий сабабидир. Шунга қарамай бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари агротехника тадбирлари комплексини амалга ошириш орқали ҳар бир участкада ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш ўрнига нотўғри йўлга ўтиб олмоқдалар ва оласи ҳисобига пландан ташқари майдонларга чигит экиб, уни яширимоқдалар.

Бундай нотўғри практикага хотима бериш ва ер тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга амал қилиш, чигит ташланган ҳар бир гектар ерда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш — ҳар бир хўжалик раҳбарининг, мутахассисининг, бригадирнинг, ҳар бир оддий пахтакорнинг вазифасидир.

Бутун кучимизни ва маҳоратимизни сарфлаб, кўп йиллар давомида орттирган бой тажрибамизни қўлланиб, ҳар гектар ерда ўсимликнинг зарур қалинликда бўлишини таъминлайлик, ҳар гектар ердаги 10 минг квадрат метр майдоннинг ҳар бир квадрат метридан юқори ҳосил олайлик. Бу — ҳосилдорликни оширишнинг жуда катта резервидир.

Ўсимликларни жойлаштиришнинг республикамизда қўлланилаётган схемаларида ҳар бир уяда учтадан ўсимлик бўлишини таъминламоқ керак. 50х50 сантиметр схемаси бундан истиснодир, бу схема қўлланилганда, ҳар уяда икки-уч ўсимлик қолдирилади. 1961 йил учун қабул қилинган экиш схемаларига мувофиқ, ҳар гектар ерда Тошкент, Самарқанд, Бухоро областларида ва Қорақалпоғистон АССР да 90-95 минг туп, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларида 85-90 минг туп, Хоразм областида 80-85 минг туп ғўза бўлиши керак. Ўсимликлар ҳамма майдонларда бир хил жойлаштирилиши лозим.

Гектарларнинг тўла бўлиши учун курашни ҳозирги ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишдан бошламоқ керак. Шунинг учун ҳам чигитнинг текис униб чиқиши учун ҳар бир пайкалда ниҳолларнинг етарли қалинликда бўлиши ва оласига экишни мумкин қадар камайтириш учун ерларни экишга сифатли тайёрлашни дарҳол ташкил қилмоқ, чигит экишни энг яхши агротехника муддатларида ўтказмоқ ва тупроққа тушган чигитнинг аҳволи устидан доимий кузатиб бориш зарур. Лозим топилган тақдирда оласига экиш керак.

Баҳорда об-ҳавонинг қандай келишига ва уруғликнинг аҳволига қараб чигитнинг униб чиқишини тезлатувчи қўшимча чораларни кўриш: тупроқнинг яхши қизиши ва ёғингарчиликдан сўнг қатқалоқни йўқотиш учун барвақт культивация ўтказиш, нам етарли бўлмаган жойларда чигит суви бериш ва бошқа чораларни кўриш керак.

1960 йилда Хоразм областидаги кўпгина колхозлар ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш орқали республикада энг юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Масалан, Янгиариқ, Қўшкўпир ва бошқа районлардаги гектаридан 30-35 центнердан пахта топширган кўпгина колхозлар бултур ҳар гектар ерда 80 минг туп ва ундан кўпроқ ғўза бўлишини таъминладилар. Ваҳоланки, Бухоро областининг кўпгина ерларида ҳар гектар майдондаги ғўза 50-55 минг тупдан ошмас эди.

Самарқанд областида ғўза тупларининг яхши сақланганлиги ўтган йилги ноқулай шароитда пахта тайёрлаш йиллик планининг бажарилишида катта омил бўлди. Давлатга пахта сотиш планини ошириб бажарган ва гектаридан 22-27 центнердан ҳосил олган Жиззах, Иштиҳон, Пастдарғом ва Пахтакор районларида ҳам ҳар гектар ерда 90 минг тупдан ўсимлик бор эди.

* * *

Республика колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани кучайтириб, Коммунистик партия XXII съездини муносиб кутиб олишларига ва пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун мустаҳкам замин ҳозирлашларига шубҳа йўқ.

ТАВСИЯНОМА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОЛИМЛАРИ ВА ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари —СССРнинг сиёсий негизи

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар 1961 йил 5 март, якшанба куни ўтказилади.

Республика маҳаллий Советларига сайловлар совет халқи партиямизнинг шонли XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш, етти йиллик план топшириқларини бажариш учун қизғин кўраш олиб бораётган, партиямиз XXII съезди шарафига умумхалқ мусобақаси кенг авж олган бир вазиятда ўтади.

КПСС XXI съезди меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ролини ошириш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, совет демократиясини янада кенгайтириш ва меҳнаткашларни Советларнинг амалий фаолиятига янада кенгроқ жалб қилиш йўлларини белгилаб берди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси галабаси натижасида бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтди. Советлар Октябрнинг биринчи кунларидаёқ меҳнаткашлар оммасининг давлат ҳокимияти органига айланди. Советлар инсоният тарихида пролетар диктатурасининг биринчи ва энг қулай формаси сифатида мустаҳкамланди ва ривожланди. В. И. Ленин Советларга баҳо бериб, бундай деган эди: «Агар революцион синфларнинг халқ ижоди Советларни вужудга келтирмаганида эди, Россияда пролетар революцияси умидсиз бир иш бўлган бўлар эди, чунки пролетариат эски аппарат билан ҳокимиятни, шубҳасиз, тутиб қололмас эди, янги аппаратни эса бирданига яратиб бўлмайди». (В. И. Ленин Асарлар, 26 том, 92-бет).

Коммунистик партия совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширди. Советлар рус ишчилари, солдатлари ва деҳқонларини ташкилотларидан халқаро аҳамиятга эга бўлган интернационал ташкилотга айланди.

Ўрта Осиёда 1917 йилнинг мартида вужудга келган Советлар эзилган меҳнаткашларнинг манфаатини қўриқлади. Советлар орқали халқлар озодликка чиқди, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб олди.

Советлар янги, олий типдаги демократияни ифода этди. Совет демократиясининг социалистик моҳияти шундаки, Советлар ҳамма меҳнаткашларни давлатни идора этишга жалб қилади. Советларга сайловлар ҳақиқий демократик сайлов системаси асосида ўтказилади.

Советларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, жамиятда давлат раҳбарлиги энг авангард бўлган ишчилар синфи орқали амалга оширилади. Советлар оммавий ташкилот бўлганлиги сабабли уларнинг ишида кенг меҳнаткашлар оммаси қатнашади.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўлиб ўтган кейинги сайлов вақтида биргина Ўзбекистонда 60 минга яқин депутат сайланди, уларнинг 60 процентини бевосита моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ишчи ва колхозчилар, қолган қисмини эса зиёлиларимизнинг намоянда лари ташкил этади. Маҳаллий Советлар томонидан ташкил этилган жуда кўп сонли доимий комиссиялар составида 7.000 дан кўпроқ депутат бор.

СССР Конституциясининг 122-моддасига мувофиқ, СССРда хотин-қизларга сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг равишда қатнашиш ҳуқуқи берилган. СССР Олий Советига 1958 йили бўлиб ўтган сайловларда 366 хотин-қиз Совет давлатининг олий органига депутат қилиб сайланди. Иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советлари ҳамда маҳаллий Советларга 1959 йили бўлиб ўтган сайловларда 693 мингдан кўпроқ хотин-қиз депутат қилиб сайланди.

Советларнинг энг муҳим хусусияти яна шундаки, улар интернационализмни ифода этади. Советлар совет халқининг бузилмас дўстлигига асосланади. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи халқларнинг ана шу бузилмас дўстлигининг ёрқин далилидир.

Совет ҳокимияти СССР да яшовчи ҳамма халқларга ҳар томонлама тараққий этиш учун кенг шароит яратиб берди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикамиз катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўз маҳсулотларини фақат СССРдаги бошқа иқтисодий районларгагина эмас, балки жаҳондаги 50 мамлакатга етказиб бермоқда. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатлардагина эмас, ҳатто АҚШ, Англия, Италия, Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатларга ҳам ўз товарларини сотмоқда. Ҳар куни республикамиздан ўрта ҳисобда 62 вагон экспорт товарлари жўнатилади. Экспорт қилинаётган товарларнинг суммаси жиҳатидан Ўзбекистон РСФСР дан кейин мамлакатда иккинчи ўринда туради.

Пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан Ўзбекистон барча капиталистик давлатлардан, шу жумладан АҚШ дан ҳам юқори туради. Ўзбекистон илм ва маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам кўп капиталистик мамлакатлардан олдинда туради.

СССРда давлат ҳокимияти марказда ва жойларда меҳнаткашлар депутатларининг Советлари орқали амалга оширилади. Демак, ССР Иттифоқи ва автоном республикалар Олий Советлари, меҳнаткашлар депутатларининг ўлка, область, автоном область, округ, район, шаҳар ва қишлоқ Советлари—СССРнинг сиёсий негизини ташкил қилади.

Советлар ягона системани ташкил этган ҳолда, давлат ҳокимиятининг олий ҳамда маҳаллий органларига бўлинади. Олий Совет ва маҳаллий Советлар асосан ўз фаолият доиралари ва компитенциялари бўйича фарқ қиладилар. Лекин уларнинг умумий хусусиятлари бор. Улар ягона сайлов системаси асосида сайланадилар. Советларнинг структураси, уларнинг депутатларни сайлаш тартиби, депутатларнинг сайловчилар билан муносабати, Советларнинг фаолиятида коллегиалчилик принципининг амалга оширилиши уларнинг ҳақиқий халқ вакиллик органи эканлигини, улар меҳнаткашларнинг вакилларидан ташкил топганлигини кўрсатади. СССР Олий Совети состави бунга яққол мисол бўла олади.

1958 йилда сайланган бешинчи чақириқ СССР Олий Советининг Иттифоқ Советида 738 депутат бор. Улардан 465 киши ишчилар ва деҳқонлар, 82 депутат маданият, санъат, адабиёт ва фан соҳасида ишловчи кишилар, 113 киши инженер, 55 киши агроном ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари, 22 киши врач, 35 киши педагог. Миллатлар Советининг 640 депутатидан 366 киши ишчи ва деҳқонлар, 77 киши фан, маданият, адабиёт ва санъат ходимларидир.

АҚШ конгресси кимлардан ташкил топганлигига бир назар ташлайлик. 1957 йил январь ойида сайланган конгрессининг вакиллар палатасида 433 депутат бор. Булардан 257 киши монополиялар хизматида бўлган юристлар, 102 киши саноатчилар ва савдогарлар, 20 киши буржуа матбуоти вакиллари, 15 киши йирик ер эгалари ва 39 киши бошқа касб эгаларидан иборат. АҚШнинг сенатида ҳам худди шу каби ҳолни кўриш мумкин. АҚШ конгрессига хотин-қизлардан атиги 17 киши сайланган. Бу сон барча депутатларнинг 3 процентига тенгдир. Капиталистик мамлакатларнинг буржуа парламентларида ёки юқори ҳокимият органларида чинакам меҳнат аҳлларини кўриш мумкин эмас.

Буржуа мамлакатларида давлат ҳокимияти органи эксплуататор синфларнинг вакилларидан — банкирлар, фабрикантлар, катта ер эгалари ва бошқа текинхўрлардан иборат бўлса, бизнинг мамлакатимизда давлат ҳокимияти органи меҳнаткашларнинг вакиллари бўлган бир миллион саккиз юз мингдан кўпроқ Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг депутатларидан иборатдир. СССРдаги давлат ҳокимияти органларининг состави Совет тузуми ҳақиқий демократик тузум — халқ тузуми эканлигини яққол ифодалайди.

Меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ўз территорияларида хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қиладилар, маҳаллий бюджетни белгилайдилар, ўзларига қарашли идора органларининг ишига раҳбарлик қиладилар, давлат тартибининг сақланишини таъмин этадилар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга ёрдам берадилар, қонунларга риоя қилинишини ва гражданлар ҳуқуқларининг қўриқланишини таъминлайдилар.

Советларнинг депутатлари ўзларининг кундалик фаолиятларида — ишлаб чиқаришда ҳам, давлат ишларида ҳам халқ турмушининг фаровонлик даражасини ошириш йўлида хизмат қилиб, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги намунасини кўрсатадилар. Улар сайловчиларнинг барча наказлари, таклифлари ва истакларини амалга ошириб, халқнинг юксак ишончини оқлашга интиладилар ва бу ҳақда ўз сайловчилари олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериб турадилар.

Дунёда энг демократик сайлов системаси бўлган совет сайлов системаси сайловчиларга катта ҳуқуқлар беради. Сайловчилар ўз депутатларининг фаолиятини контроль қилиб борадилар. 1960 йил июль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Совети IV сессияси меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ Совети депутатларини чақириб олиш ҳақида Қонун қабул қилди. Маҳаллий Совет депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши депутатларнинг сайловчилар олдидаги жавобгарлигини оширди, уларнинг янада активлашувини таъминлади. Ўзларига кўрсатилган ишончни оқламайдиган депутатларни эса сайловчилар ҳар қачон чақириб олиш имкониятига эга бўлдилар.

5 мартда республикамизда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларда меҳнаткашлар сайлов участкаларига бориб, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг кандидатлари учун якдиллик билан овоз берадилар. Бу билан улар Коммунистик партиянинг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун, Ватанимизнинг кучқудратини янада мустаҳкамлаш учун, халқимиз турмуши фаровонлик даражасининг янада ошиши учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун овоз берган бўладилар.

Т. ОДИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ"
2-БЕТ, 3 МАРТ, 1961 ЙИЛ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»
Ҳалқ ўқитиш ва ҳаёт

„Қўйлиқ фрибгарлари"

Газетамизнинг шу йил 29 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган фельетонда Оржоникидзе районининг Қўйлиқ посёлкасида яшовчи Те Сун-Ай деган аёл ва бошқа бир неча текинхўрларнинг савдогарчилик билан шуғулланиб, катта бойлик орттирганликлари фош қилинган эди.

Район прокурорининг вазифасини бажарувчи ўртоқ Усмоновнинг реданцияга маълум қилишича, фельетонда келтирилган фактлар тўғра тасдиқланган. Айбдорлар устидан жиноий иши қўзғатилган. Те Сун-Ай қамоққа олинган.

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига



Тошкент ТЭЦида ёкилғи сифатида табиий газдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Корхона коллективи бу йил пландан ташқари бир неча миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариш учун мусобақани тобора авж олдираётир. Суратда: Тошкент ТЭЦининг турбина бўлимида.

Г. Пуд фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Завод янгидан жиҳозланаётир

Тошкент трамвай-троллейбус трестига қарашли вагон-ремонт заводида кейинги йиллар ичида ишлаб чиқариш жараёнларини янги ускуналар билан қайта жиҳозлашга актив киришилди.

Механика ҳамда вагонларни ремонт қилиш цехларида 3 та токарлик станоги бўлиб, улар тез-тез сафдан чиқиб турарди. Яқинда бу станоқлардаги чарм қайишлар коробкалар билан алмаштирилгач, меҳнат унумдорлиги бир ярим ҳисса ортди. Темир кесиш механизациялашди: ҳозир махсус пресс-қайчи воситаси билан бир ишчи 2 метргача узунликдаги темир парчасини тез ва осонлик билан кеса олади.

Механика цехида станок-автомат ишлай бошлади.

Вагон ремонт қилувчилар янги рейсмус-станогини ўрнатдилар.

Шунингдек, цехлараро юк ташиш ҳам механизациялашди. Ҳозир 2 та автогрузчик ишлаётир.

Л. БЛИНДЕР.

Темир-бетон заводида

Булутлар билан ўпишгудек бўлиб, кўкка бўй чўзган қаватқават кўркам бинолар шаҳар ва қишлоқларимизда йил сайин кўпайиб бораяпти. Қурилишлар жадал суръатлар билан кетаяпти. Бу, албатта, бинокорлик материалларининг кўп бўлишини талаб этади.

Асрлар давомида Чирчиқ дарёси бўйидаги қум-шағал тошлар фойдаланилмай келарди. Партиямизнинг бинокорлик ишларида темир-бетондан кенг фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаларининг самараларидан бири сифатида Чирчиқ дарёси ён бағрида 2-темир-бетон заводи вужудга келди.

Биз, мана шу заводда қилинаётган ишлар билан танишиб юрибмиз. Бу ерда автосвалкалар бетўхтов ҳаракат қилаётир. Улар ёрдамида қазилаётган шағал транспортёр лентаси орқали юқорига — қоришма тайёрловчи бункерга тушмоқда.

Бункерда қум, шағал, цемент ва сув аралашиб, шу тарзда қоришма тайёр бўлади. Илгари бу процесс қўл кучи билан бажарилар, бунинг учун камида 30 ишчи кучи талаб этилар эди. Механизацияга ўтилгач, 6 кишигина бу ишнинг уддасидан чиқмоқда.

Тайёрланган қоришма ағдарма машиналарда темир-бетон майдонига келтирилиб, арматураларга тўлдирилади. Сўнг бу маҳсулотларни кўтариш кранлари қуритиш камерасига жойлайди.

Корхона замонавий бинокорликнинг деярлик ҳамма деталларини ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб бораяпти. Кўп қаватли бинолар учун ихчам ва пишиқ устунлар, хилма-хил тўсинлар кенг кўламда ишлаб чиқарилмоқда. Тўсинлар 3 метрдан 18 метргача, турли ҳажмда ясаляпти. Бу нарса катта-кичик биноларнинг ҳажмига қараб уларни ишлатиш имконини беради.

— Катта қурилишлар қанчадан-қанча ёғоч, тахта талаб қиларди. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бу эҳтиёжлар ўрнини қоплаш билан бирга, арзон ва қулай ҳамдир, — дейди корхонанинг илғор ишчиларидан бири ўртоқ Умар Абдушаев.

— Чидамлилигини айтмайсизми, — қўшиб қўйди унинг ёнидаги ишчи З. Петриченко.

Заводда дастлабки даврларда барча иш процесси қўл кучи билан бажарилган бўлса, ҳозир деярлик ҳаммаси механизация ёрдамида амалга оширилмоқда. Шу кунларда корхонани кенгайтириш тадбирлари кўрилаётир. 1-цех кенгайтирилади. Қоришма цехи 2 баравар кенгаяди. Тайёр қоришмаларни автомат усулда элтадиган ўрости қувурини ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Бу тадбирлар амалга оширилгач, ҳозирги 2 смена ўрнига 3 сменалик ишга ўтиш мумкин.

Ҳозир заводда КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа авж олди. Шофер Наримон Раҳимов, кранчи Светлана Флорская, контролёр И. Старцева ўртоқлар кундалик топшириқларини ортиги билан адо этмоқдалар.

С. НОРМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СОВҒА БЎЛСИН ДЕБ...

Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи КПСС XXII съезди шарафига оширилган мажбурият олиб ишламоқда. Бу йил корхонада 33 та янги типдаги машина ва 14 та автомат ускуна ўрнатилади. Натижада меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 8 минг метр газлама, 3 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолиш кўзда тутилаётир.

Фабрикада ўзаро социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Багриновская, Қодирова ва Чупрунова ўртоқлар бошлиқ бригадалар кунлик нормани 120-130 процент адо этиб, пешқадамлик қилмоқдалар. Корхона коллективи йиллик планни 25 декабргача бажариш ва йил охиригача 6 минг костюм тайёрлаш учун курашмоқда.

Д. МУСАЕВА.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). Кўмир разрезининг коллективи партия XXII съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб, ҳар куни топшириқда белгиланганидан бир минг тонна кўп кўмир ортиб жўнатмоқда. Кон устини очиш разрезининг кончилари ўз мусобақадош ўртоқларига яхши ёрдам бермоқдалар. Экскаватор машинистларидан А. Гуменюк ва О. Шмидтгаль бошлиқ бригадалар смена нормасини бир ярим баравар ошириб бажариб, мусобақада биринчиликни олдилар.

КПСС МК ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИРРИГАЦИЯ ФАНИ ЮКСАЛИШДА

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири — ирригациядир. Ирригация ва мелиорация тупроқ структурасини яхшилайди, унумдорлигини оширади, янги ерларни кўплаб ўзлаштириш ва экинлардан муттасил мўл ҳосил олиш имконини беради. Бинобарин, сув хўжалиги иншоотларининг қишлоқ хўжалиги учун иқтисодий аҳамияти катта.

Сув хўжалиги иншоотларини янада кенгайтириш ва улардан унумли фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда фан ютуқларини суғориш системаларига кенг жорий қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув масаласи ва гидротехника илмий-текшириш институти олимлари сув иншоотлари тармоқларини кенгайтириш, фан ютуқларини кенг ёйиш мақсадида қатор проблемалар устида иш олиб бораяптилар. Шу жумладан, Тошкент областидаги мавжуд ирригация тармоқларининг илмий асослари ишлаб чиқилади.

Илмий муассасамиз Ўзбекистонда сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг илмий асослари масаласи юзасидан бир қатор проблемаларни ечишга қарор қилди. Чунончи, Амударё сувининг оқимини режимга солиш ва янги ўзлаштирилган ерларни сув билан таъминлаш бўйича дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Эндиликда эса Сирдарё сув ҳавзасидан комплекс равишда фойдаланишнинг илғор методлари ишлаб чиқилмоқда. Ана шундай илмий тадқиқотлар Чирчиқ — Оҳангарон сув ҳавзасида ҳам олиб борилади.

Суғориладиган деҳқончилик районларида меҳнатни кўп талаб қиладиган иш, яъни суғоришни тўла механизациялаш, гидроузелларни қуриш билан дарёлар сувининг оқим режимини тартибга солиб туриш ҳам халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим соҳадир. Айрим илмий тадқиқотларимиз худди ана шу масалаларга бағишланган, бу, шубҳасиз, илмий коллективимиз зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Шунинг учун ҳам сув йўли процесслари, сувни чиқариб юборадиган тармоқлар ва гидравлик иншоотлар илмий тадқиқоти проблемаси устидаги ишни бу йил ҳам давом эттирамиз. Олимлар сув иншооти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб, сув оқими процессларини ҳисоблаб чиқиш методикасини яратадилар.

Сув оқими ва кўл типидаги гидроузеллар ҳамда сув омборларидан фойдаланишда илғор фан ютуқларини кенг қўллаш масаласи ҳам муассасамизни кўпдан бери қизиқтириб келади. Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарёларида тадқиқот ишлари қизитиб юборилди. Бу хилдаги тажриба ишлари Туябўғиз сув омборида ҳам олиб борилади.

Сувларни тежаб-тергаб сарфлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасидаги тадқиқотлар ҳам ирригация ва мелиорация фанини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Бир группа ирригатор олимлар бу соҳадан фойдаланишнинг илғор методларини яратишга дадил киришдилар. Шу асосда, кейинчалик гидротехника иншоотлари қурилиши ва ҳисоблаб чиқиш методлари проблемаси узил-кесил ҳал қилинади. Мазкур проблема гидротехника фани билан боғлиқ бўлган кўпгина соҳаларни ўз ичига олади. Шунингдек, тупроқ ишлари ва механизмларга оид актуал масалалар ҳам атрофлича ишлаб чиқилади.

Мутахассислар гидротехника иншоотларининг илмий методларини яратиш процессида гидротехника иншоотларини қуришнинг илғор усулларини пухта ўрганиш ва бунинг учун тупроқшунослик фанининг янги ютуқларидан фойдаланиш масалалари билан шуғулланадилар. Сувларнинг исрофгарчилигига қарши кураш олиб бориш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширамиз. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари асосида илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтира борамиз.

Мирзачўл олимларимизнинг тажриба ишлари олиб борадиган энг муҳим объектларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам институтимиз олдида турган айрим проблемалар Мирзачўлдаги суғориш иншоотларида олиб борилади. Кейинчалик ирригацияда гидротехника ишларини комплекс механизациялаш ва индустриалштириш проблемаси ҳал қилинади.

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни шу етти йилликда асосан тугаллашмоқ учун шарт-шароит вужудга келтирилади. Шу давр мобайнида неча ўн гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилади.

Суғориш ишларини комплекс механизациялаш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинади. Тасдиқланган планга кўра, канал сувларини фильтрлаштиришнинг технологиясини ишлаб чиқиш, гидроиншоотлар технологиясини тайёрлашни такомиллаштириш ва монтаж ишларини яхшилаш каби масалалар амалга оширилади. Шунингдек, гидравлик машиналар ва асбоб-ускуналар проблемасини ҳам Мирзачўлдаги сув иншоотларида ҳал қилиш кўзда тутилган. Ирригация ва мелиорация ишлари, чўл шароитида қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун керакли техника ишлаб чиқариш соҳасида ҳам олдимизда катта вазифалар турибди.

Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва шу соҳа билан боғлиқ бўлган бошқа проблемалар Ўзбекистонининг суғориш системаси ва мелиорацияси муаммоси билан қўшиб олиб борилади. Ёрости сувлари билан қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ва ер шўрини ювиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Институтимиз ижодий коллективининг келгусидаги режалари фақат шуларнинг ўзигина эмас. КПСС Марказий Комитети январь Пленумя қарорлари билан қуролланган олимларимиз ирригация ва мелиорация фанини юксалтириш йўлида бундан буён ҳам самарали ишлайдилар. Айни вақтда ирригация ва мелиорация соҳасида иш олиб бораётган ташкилотларга қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

З. ХУСАНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув масаласи ва гидротехника институти директорининг ўринбосари.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда ўз ишини тамомлаган Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студентларининг XII илмий конференцияси «Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга» деган шиор остида ўтказилди. Бу йиғилишда студентларнинг қишлоқ хўжалик фани билан боғлиқ бўлган актуал темалардаги илмий ишлари муҳокама қилинди.

Конференция иши 10 секцияда олиб борилди. Агрохимия ва тупроқшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, пахтачилик секциялари программасига киритилган илмий ишларда актуал ва характерли масалалар кўтарилган. «Пахта уруғчилигини саралаш», «Маккажўхорини экишга тайёрлашнинг айрим томонлари» деган темадаги илмий докладлар кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилди. Институт студентлари томонидан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ташкил этилган трактор-далачилик бригадаси мураффақиятларини акс эттирувчи доклад ҳам ҳаммага манзур бўлди. Шунингдек, мазкур бригада аъзоларининг пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлаш йўлида қўлга киритган дастлабки ютуқлари ҳам докладда батафсил баён қилинган.

Селекция ва уруғчилик секцияси қатнашчилари ҳам кўпгина қизиқарли илмий докладларни тингладилар. Студент Р. Сутягина томонидан секция муҳокамасига қўйилган «Пахтанинг совет ва америка сортларининг ўзига хос агробиологик хусусиятлари» деган темадаги илмий иши юқори баҳоланди.

Бундан ташқари ўрмончилик, пиллачилик кафедраларининг юқори курс студентлари ҳам конференцияга ўз илмий ишларини тақдим этдилар.

Студентларнинг бу илмий йиғини институтда ўқув-тарбия ишлари ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда олиб борилаётганлигини кўрсатиб турибди.

ФАН ва ТЕХНИКА Янгиликлари

ШЕСТЕРНЯСИЗ ТРАКТОР

Липецк трактор заводида янги гилдиракли трактор синовдан ўтказилди. Бу агрегат ўз тузилиши жиҳатидан шу вақтгача ишлаб чиқарилган тракторлардан кескин фарқ қилади. У жуда содда тузилган. Унда бошқариш ричаглари, улаш муфталари, борт редукторлари, механик тормозлар йўқ. Гидравлик трансмиссияли бу тракторни шестернясиз трактор деб ҳам аташади.

Бу агрегатга 40 от кучи қувватига эга бўлган двигатель, мой солиш учун бак, насос ва иккита гидравлик мотор ўрнатилган. У битта дастак ёрдами билан бошқарилаверади. Жуда ҳам тежамли бу трактор чопиладиган экинларни парвариш қилиш учун мўлжалланган. У ҳар қандай йўллардан ҳам бемалол юраверади.

ЭНГ ҚУВВАТЛИ ГАЗ ТУРБИНАСИ

Ленинграддаги металлургия заводида мамлакатда энг йирик ва қуввати 25 минг киловаттга тенг бўлган газ турбина установкаси тайёрланди. Газ турбина установкаларидан энергетика хўжалигида фойдаланиш жуда катта истиқболлар очиб беради. Бу машиналар буғ турбиналарига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Уларни тайёрлашга металл икки-уч баравар кам кетади, электростанциялар қуриш учун сарфланадиган ҳаражат анча камаяди.

ШИША ТОЛАСИДАН ТРУБАЛАР

Ленинграддаги юқори частотали ток илмий-текшириш институтининг коллективи Москвадаги трубопроводлар қурилиши илмий-текшириш институти ходимлари билан биргаликда ажойиб янгилик яратдилар. Кўп изланишлардан сўнг шиша толасидан узлуксиз равишда трубалар ишлаб чиқарадиган установканинг тажриба нусхасини тайёрлашди.

Тингловчилар сони ортмоқда

Кечга томон муҳташам бино ишчи ва хизматчилар билан ганжум бўлиб кетди. Улар бу ерга фабрика маданият университетининг навбатдаги машғулотини тинглаш учун тўпландилар.

— Аҳоли яшайдиган жойларнинг озода бўлиши, — деди лектор А. Зоҳидов, — кишилар, айниқса ёш болаларнинг саломатлиги учун асосий гаровдир.

Лектор иш ҳудуди, турар-жойлар ва аҳоли яшайдиган территорияларнинг саранжом-саришта, тоза бўлиши инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида батафсил гапириб берди. Унинг фабрика коллективи ҳаётидан келтирган қизиқарли мисоллари катта қизиқиш билан тинглади...

«Аҳоли яшайдиган жойларнинг озодалиги — соғлиқнинг гаровидир» деган темада ўтказилган лекциядан сўнг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга бағишланган қисқа метражли фильм кўрсатилди.

Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикаси маданият саройи ҳузурида ташкил этилган корхона маданият университетининг машғулотлари доим қизиқарли ўтказилаяпти. Университетнинг адабиёт ва санъат, фан, техника ва илғор тажрибалар ҳамда соғлиқни сақлаш факультетлари машғулотларига фабриканинг ишчи ва хизматчилари актив қатнашмоқдалар.

— Яқин вақтгача университетимизнинг иккита факультети бор эди. Уларга юзга яқин ишчи жалб қилинганди. Машғулотларнинг қизиқарли формаларда ўтказилиши, факультетлар программаларидаги темаларнинг турмуш билан мустаҳкам боғланганлиги тингловчилар қизиқишини яна ҳам ошириб юборди. Уларнинг сони деярли 2 баравар ортди, — дейди маданият саройининг директори ўртоқ Буренбаум.

Корхона ишчиларининг хоҳишларини ҳисобга олиб, бу ўқув йилида университетда соғлиқни сақлаш факультети ҳам ташкил этилди. Бу факультет машғулотларига уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи онолар, пенсионерлар ҳам қатнашяпти.

Республикамиз фан, маданият ва санъат арбоблари университет ишига яқиндан ёрдам кўрсатаяптилар. Улар билан учрашувлар уюштирилмоқда. Музейларга, тарихий жойларга, илғор корхоналарга экскурсиялар ташкил қилинди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
У. ҲОШИМОВ.

Даврининг қаҳрамонлари

УСТОЗ ТАН БЕРДИ

Пойтахтимиз меҳнаткашлари Чиланзорни Тошкент Черёмушкаси дейдилар. Ҳа, бу жуда тўғри баҳо. Янги массивда бўлган ва у ердаги роят катта қурилишларни кўрган ҳар бир каши бунга тан бермасдан иложи йўқ. Қаёққа қараманг, ҳамма ерда кўп қаватли бинолар қад кўтариб келмоқда. Ҳали яқиндагина бўш ётган ерларда бугун кўп қаватли кўркам бинолар савлат тўкиб турибди. Ҳа, бир вақтлар Тошкентнинг чекка райони бўлган бу массивдаги ўзгаришлар ҳар бир кимсани ҳам ҳаяжонга солмай иложи йўқ. Атрофга термулар экансиз, кўзингиз қувнайди, дилингиз эса яйрайди.

Йирик панеллар, гишт, цемент, шағал, асфальт ва бошқа бинокорлик материаллари ортган юк машиналарининг кети узилмайди. Ҳамма ерда қатор-қатор кўтарма крандар кўзга ташланади. Бу ерда қайси объектга борманг, ҳамма ерда иш қизғин бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунинг сабаби маълум: ҳар бир коллектив жонажон партиямизнинг шонли съездига ўз туҳфасини тайёрлаш иштиёқида.

Биринчи қурилиш бошқармасида Чиланзор массивида олиб борилаётган катта ишларнинг ҳажми ҳақида сўзлаб беришди.

— Коммунистчасига яшаш ва коммунистчасига ишлаш учун курашаётган бригадаларнинг сафи,— деди бошқарма бошлиғи ўртоқ Е. Кириенко,— тобора кўпаймоқда. Бошқармага қарашли 4 та бригада коллективи ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу шарафли ном эгаси бўлди.

— Шу тўрт бригададан қайси бири энг илғор? — сўрадик биз. Бу савол суҳбатдошимизни бироз ўйлантириб қўйди.

— Нима десам экан Сизга, тўғрисини айтсам, жуда қийин савол бердингиз. Уларнинг ҳаммаси яхши, бири-биридан илғор. Лекин шундай бўлса ҳам Сиз Зияев бригадасига боринг.

— Нега энди Зияев бригадасига? — қизиқсиниб сўрадик.

— Сизга айтсам, бу масала сир, — суҳбатдошим маъноли қилиб менга қараб, бир кўзини қисиб қўйди. — Буни борганингиздан кейин ўзингиз билиб оласиз.

Чиланзорда Раҳим Зияевни танимайдиган киши йўқ экан. Шу сабаби унинг бригадаси ишлаётган объектни ҳам тезда топиб олдик. Зияевчилар (матсивдагилар бригада аъзоларини шундай деб аташар экан) ошхона, ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатувчи комбинат биносини қуришаётган экан.

Бўғдойранг, ўрта бўйли, истараси иссиқ бир киши сира тиниб-тинчимасди. Ҳали у, ҳали бу звено олдига борар, уларнинг ишини кўздан кечирар, аллақандай маслаҳатлар берар эди. Билсак, бутун массивга донг торатган моҳир бинокор Раҳим Зияев шу киши экан.

Комплекс механизациялашган бригадада 37 киши ишлайди. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бу кичик ва ҳаҳил коллективнинг жонкуяр раҳбари, КПСС аъзоси Раҳим Зияев мана 11 йил бўлдики, шарафли касбда ишлаб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у ёрдамчи ишчидан донгдор бригада бошлиғи даражасига кўтарилди. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун кураш бошланганда зияевчилар Чиланзорда биринчилар қатори бу ҳаракатга қўшилдилар. Шарафли номни қозониш учун биргина ишлаб чиқариш топшириқларини ортиги билан бажариш етарли эмас эди. Коллективнинг ҳар бир аъзосини келажак кишиси қилиб — коммунизм жамиятининг ҳақиқий аъзоси қилиб тарбиялаш лозим. Бу соҳада бригада бошлиғининг ўзи ҳаммага намуна кўрсатди. Ҳар бир ишчининг қобилияти ва қизиқишига қараб турли ўқув юртларига жалб этди. Қисқа муддат ичида бригада аъзолари ҳамманинг оғзига тушди. Йиғилишларда, мажлисларда зияевчилар барчага намуна қилиб кўрсатиладиган бўлиб қолди.

Комсомол аъзоси, монтажчи Пармонқулов шу бригаданинг оддий аъзоларидан бири. Ўрта мактабни тамомлагач, тўғри қурилишга келди. Зияев унга худди туғишган акадек бўлди, ҳунар ўргатди. Ҳозир Пармонқулов бир қанча касбнинг эгаси, бригада агитатори. Эндиликда у политехника институтининг қурилиш факультетига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

— Ана у ёнма-ён ишлаётган йигитлар, — деди бригадир, — бизнинг эгизакларимиз. — Зияев ўзининг бу гапига бизнинг таажжубланаётганимизни сезди шекилли, изоҳ бера бошлади. — Мен сизга айтсам, Абдукарим Султонов ва Ғайрат Қорабоев ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам ҳеч ажралмасдан бир партада ўтиришар экан. Мактабни тугатгач, иккалови ҳам тўғри шу ерга келишди. Бу ерда ҳам қачон қарасангиз бирга. Кундуз куни ёнма-ён ишлашади, кечқурун эса қурилиш техникумининг 3-курсида биргаликда лекция тинглашади. Отасига раҳмат уларнинг, ўқишни ҳам дўндиришяпти, ишни ҳам.

Бригада бошлиғи коллективнинг ҳар бир аъзоси ҳақида алоҳида ғурур ва завқ билан гапирарди. Ишчиларга унинг меҳри зўрлиги ҳар бир сўзидан билиниб турибди. Бригададаги ҳар бир киши бичокорликдаги 5-6 касби эгаллаб олган. Шу сабабли ишда узилиш бўлмайди, суръат ҳам зўр, сифат ҳам яхши.

Зияев ишчилар ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб берди, лекин ўзи ҳақида деярли оғиз очмади.

— Нима ҳам дердик, кўп қатори ишлаб турибмиз, — Зияевнинг ўзи ҳақида айтган гаплари шу бўлди. Лекин касбдошлари бригада бошлиғи ҳақида зўр ҳаяжон билан гапириб бердилар. Айниқса, бир воқеа ҳали-ҳали Чиланзорда гап бўларкан.

...Москвадан Тошкентга машҳур гишт терувчи, Сталин мукофотининг лауреати новатор Носов келибди, деб эшитишди қурилиш бошқармасидагилар. Табиийки, ҳамма ўзининг донгдор касбдошини кўриш, унинг тажрибаси билан танишиш иштиёқида. Бошқарма раҳбарлари шуни ҳисобга олиб, ўртоқ Носовни Раҳим Зияев бригадасига таклиф қилишди.

— Тошкентда Сизнинг ҳақингизда жуда кўп гапларни эшитдим, — кўришар экан Зияевга Носов шундай деди, — танишганлигимиз учун ниҳоятда хурсандман. Қани, ишингизни бир кўрайлик-чи.

— Йўғ-е, биз нима, — донгдор бинокорнинг сўзидан Зияев қизолат тортиб кетди. — Аввал ўзларидан бўлсин, ҳар ҳолда устозсиз.

— Бўлмаса шундай таклиф бор, — деди Носов Раҳимжоннинг тортинаётганлигини сезиб, — иккаламиз баббаравар гишт терамиз. Муддат бир соат. Бўптими?

Бу таклиф Зияевга маъқул тушди. Ҳадемай ҳар иккала донгдор бинокор енг шимариб ишга тушиб кетди. Атрофдагиларнинг ҳаммаси бу ўзига хос мусобақани ҳаяжон билан кузатиб турарди. Зияев ҳам, Носов ҳам ниҳоятда эпчиллик билан ишлардики, кўрган кишининг ҳаваси келарди. Ҳаш-паш дегунча белгиланган муддат ўтди. Натижа ҳеч ким кутмаганидек бўлиб чиқди. Зияев шу бир соат мобайнида 1200 та гишт терибди. Ном қозонган Носов эса 600 та гиштни жойлабди. Бундай бўлишини москвалик донгдор бинокорнинг ўзи ҳам кутмаган эди. У аввалига ҳайрат кўзларини тошкентлик касбдошига тикиб, бир зум қаққайганича қолди, кейин эса Зияевни маҳкам қучиб олиб, пешонасидан ўпди.

— Тан бердим, дўстим, ҳақиқий новатор мен эмас, сен экансан.

Носов бу сўзлари билан шу ерда ҳозир бўлганларнинг фикрини ифода қилди. Ҳа, ҳар ким ҳам шу қарорга келган эди...

Раҳим Зияев муттасил юқори кўрсаткичларга эришаётганлиги учун 1957 йилда «Аълочи қурувчи» значоги билан мукофотланди. Ўтган йили СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ у Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Зияевчилар биргина Чиланзор массивида 11 та тўрт қаватли турар-жой биноси, 2 та ётоқхона ва битта ошхона қурдилар.

Яқинда бригадада йиғилиш бўлди. Унда партия XXII съездига муносиб туҳфа тайёрлаш масаласи муҳокама қилинди.

— Етти йиллик топшириқларини беш йилда бажарамиз!

Бригада аъзолари ана шу қарорга келишди. Шарафли касб эгалари меҳнаткашларга кўплаб кўркам уй-жой бинолари қуриб бериш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилишаяпти. Биз бригада аъзолари ва уларнинг донгдор раҳбари Раҳим Зияевга янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. ГОРОШИН.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 3 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

ЧЕРНИГОВ ШАҲРИДА ҚОНУНГА ХИЛОФ СУРАТДА СТАДИОН ҚУРИЛИШИ ТҮҒРИСИДА УКРАИНА КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

КИЕВ, (ТАСС). 28 февралда «Правда Украини» газетасида ва республиканинг бошқа газеталарида Чернигов шаҳрида қонунга хилоф суратда стадион қурилганлиги тўғрисидаги материал эълон қилинди.

Украина КП Марказий Комитети шу ҳақда қабул килган қарорида таъкидлаб ўтдики, Чернигов область ижроия комитети ва Украина КП область комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «маъмурий, спорт ва бошқа жамоат бинолари ва иншоотлари қурилишига пул маблағлари ва моддий ресурслар сарфлашни тартибга солиш тўғрисида» 1958 йил 2 октябрь қарорини қўпол равишда бузиб, 1960 йилда ҳукуматнинг рухсатисиз, капитал ремонт килиш баҳонаси билан смета қиммати 615,6 минг сўм бўлган 11.500 ўринли стадион қуришга киришганлар.

Область ижроия комитети ана шу иншоотни пул билан таъминлаш ниятида маҳаллий бюджет маблағларини ва планда кўзда тутилган бошқа объектларни қуриш ҳамда ремонт килиш учун етишмаётган бинокорлик материалларининг талайгина қисмини сарф қилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини қўпол равишда бузганлиги, Чернигов шаҳри стадиони қурилиши учун пул маблағлари ва моддий ресурслардан қонунга хилоф суратда фойдаланганлиги учун Украина КП Марказий Комитети меҳнаткашлар депутатлари Чернигов область Совети ижроия комитети раиси ўртоқ П. Ф. Куманькани ишдан озод қилди ва Украина КП Чернигов область комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. Дорошенкога ва Киев Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари ўртоқ Н. Н. Михайловга партия йўли билан қаттиқ жазо берди.

Украина КП Марказий Комитети СССР Давлат банки Украина республика конторасининг бошқарувчиси ўртоқ Г. С. Коваленко ва СССР Қурилиш банки Украина республика конторасы бошқарувчиси Г. А. Хмельницкийнинг эътиборини маъмурий, спорт ва бошқа жамоат бинолари қурилишига маблағ чиқаришнинг тўғри ёки нотўғри бўлиши устидан систематик равишда назорат килинмаётганлигига жалб этди.

В. В. Щербицкий— Украина ССР Министрлар Советининг раиси

КИЕВ, 1 март, (ТАСС). Украина ССР Олий Совети Президиуми шу йил 28 февраль Фармони билан В. В. Щербицкийни Украина ССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинлади.

Украина ССР Олий Совети Президиуми Н. Т. Кальченкони Украина ССР Министрлар Советининг раиси вазифасидан озод қилди.

А. Н. Косигин Бомбайда

БОМБАЙ, 2 март. (ТАСС). Бомбайда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бугун эрта билан ҳукуматга қарашли Аари (Бомбай районида) сут фермасида бўлди. Бу ферма шаҳар аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминлашда катта роль ўйнайди. Ферма ходимлари СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг 1955 йилда фермага келган вақтда ўтказган ёш бодом дарахтини А. Н. Косигинга ва унинг хамроҳларига кўрсатдилар. Бу дарахт беш ярим йил ичида ўсиб, шохларини кенг ёйган. Дарахт ёнидаги тахтачага бу дарахт 1955 йил 24 ноябрда Н. С. Хрушчев томонидан ўтказилди, деган сўзлар ёзилган. К. Е. Ворошилов ўтган йили фермага келган вақтида ўтказган дарахт ҳам яхши ўсибди.

А. Н. Косигин Бомбай шаҳри атрофида жойлашган Ҳиндистон технология институтининг ишлари билан танишди. Институт илмий-техника машғулотлари билан шуғулланади ва Ҳиндистоннинг ривожланиб бораётган миллий саноати учун керакли техника кадрларини тайёрлайди. Бу институт биноси ҳали батамом қурилиб бўлган эмас. Лекин шунга қарамай, 1958 йил июль ойидан буён унда студентлар ва аспирантлар билан машғулотлар ўтказилмоқда.

Совет Иттифоқи бу институтга ЮНЕСКО йўли билан катта ёрдам кўрсатмоқда. Шу вактгача Совет Иттифоқидан 11 миллион сўмлик (эски пул ҳисобида) хар хил асбоб ва приборлар олинди. Бундан ЮНЕСКО йўли билан 8 миллион сўмлик ва Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида тузилган битимга мувофиқ, 3 миллион сўмлик асбоб ва приборлар олинди. Ҳозирги вақтда институтда совет экспертларидан 10 киши ишламоқда. Булар дарс бермоқдалар, аспирантлар тайёрлаш, ўқув планлари ва программаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар.

Шундан кейин совет меҳмони турли лабораторияларнинг иши ва жиҳозлари билан танишиб чиқади, кироатхонага боради. Шу нарса муҳимки, лабораториянинг қўп раҳбарлари рус тилида изоҳ бериб турдилар. Аспирантўрада шуғулланувчиларнинг хаммаси, деди директор Босе, рус тилини ўрганмоқдалар. Шу мақсадда институтда зарур шарт-шароитнинг ҳаммаси вужудга келтирилган.

Шундан кейин, А. Н. Косигин институтнинг ўқитувчилари билан учрашди. Учрашув вақтида совет меҳмони қисқача нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин кечқурун Махараштра штати губернатори томонидан унинг шарафига ўтказилган қабул маросимида ҳозир бўлди.

Илмий билимлар университети

Республикада биринчи марта ташкил қилинган илмий билимлар университетида мактаб ўқитувчиларидан бир ярим мингга яқин киши қатнашмоқда. 1 март куни Свердлов номидаги концерт залида шу университет тантанали равишда очилди. Университетни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Мурта-зоев очди.

Шу университетнинг ректори академик Т. Н. Қориниёзов бу ерда ҳозир бўлганларни университетнинг ўқув программаси ва ундаги ўқиш структураси билан таништирди. Москва олимларидан ўрнак олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан ташкил қилинган икки йиллик илмий билимлар университетида тўрт факультет — тил ва адабиёт, физика-математика, кимё-биология ва тарих-география факультетлари бор. Лекциялар ўқишга Ўзбекистоннинг етакчи олимлари жалб этилган. Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. (ЎзТАГ).

Яхши совға экан... А. Абалян фотоэтюди.

Халқаро аҳвол

Кеннединнг матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН, 1 март. (ТАСС). Бугун бу ерда АҚШ президенти Кеннеди навбатдаги матбуот конференциясини ўтказди. Матбуот конференцияси давомида президентга қуролсизланиш ва Совет-Америка муносабатлари проблемаларига таллуқли кўп савол берилди. Кеннеди бу саволларга жавоб қайтариб, менинг фикримча, ядро синовларини тақиқлаш юзасидан 21 марта Женевада яна бошланадиган музокаралар қуролсизланиш соҳасида ва Совет-Америка муносабатларини яхшилаш соҳасида биринчи қадам бўлади, деди Кеннеди бу музокаралар-нинг муваффақиятли тамом бўлишига умид боғлаганлигини айтди.

Сўнгра, Кеннеди бундай деди: АҚШ аввалдагидек, Совет-Америка муносабатларида шундай аҳволга эришиш ниятидадирки, бундай аҳвол тинчликнинг сақланишига бўлган умидни кучайтириш имконини берган бўлур эди. Кеннеди айтдики, мен ва менинг ҳукуматим Совет-Америка муносабатларини тартибга солишга, шунингдек қуролсизланиш ҳақидаги умумий проблемани секинаста ҳал этишга олиб келадиган самарали йўлларни қидирмоқдамиз ва бундан буён ҳам қидирамиз.

Шу муносабат билан мухбирлар Кеннедидан президентнинг қуролсизланиш масалалари юзасидан маслаҳатчиси Макклойнинг баёноти тўғрисида ўз фикрини айтиб беришини илтимос қилдилар. (Макклойнинг 25 февралда сўзлаган нутқида қилган баёнотига матбуот Эйзенхауэрнинг қуролсизланиш ва ядро воз кечишдан иборат эски сиёсатини давом эттиришга даъват деб баҳо берган эди).

Президент Кеннеди бу саволга қайтарган жавобида Макклойнинг сўзини аслида рад этди. Кеннеди Қўшма Штатлар ҳукумати ҳозирги вақтда қуролсизланиш масалалари юзасидан ўз позициясини ишлаб чиқишни давом эттирмоқда ва шу сабабли бу позициянинг нимадан иборат бўлишини айтиш учун ҳали фурсат келгани йўқ, деди. Кеннеди Макклойнинг нутқи ҳукуматнинг қуролсизланиш масалалари соҳасидаги сиёсатини баён қилиб беради, деб ҳисобламаганлигини таъкидлади, чунки, деди у, АҚШ бу масала борасидаги ўз сиёсатини ҳали таъбирлаб бергани йўқ ва шу йилнинг ёз фаслигача таъбирлаб бермайди.

Президент қуролсизланиш масаласи юзасидан берган жавобларининг охирида айтдики, бу масалани ҳал этишда силжиш рўй бериши ҳар иккала томоннинг яхши ниятда бўлишига ва уларнинг қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга реалистик ёндошишни иштошларига боғлиқ бўлади.

Кеннеди шундан кейинги жавобларида айтдики, мен совет ва америка олимлари ўртасида, жумладан, космосни эгаллаш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги ҳамма ҳаракатларни ғабриклайман. Шу билан бирга, Кеннеди АҚШ ва Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи билан Американинг маданият, фан ва ҳоказолар соҳасида айирбошлашлар программасини яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида музокаралар олиб бораетганликларини маълум қилди.

Шу билан бирга, Кеннеди матбуот конференциясининг давомида АҚШнинг чет эллардаги ўз қуролли кучларини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш ниятида эканлиги тўғрисида бир қанча гапларни айтди. Бу эса, унинг қуролсизланиш проблемаси ҳақидаги сўзларига ва Совет-Америка муносабатларини яхшилашга интилаётганлиги ҳақидаги гапларига тамомила хилоф эди.

Мухбирлардан бирининг Конгода бўлаётган сўнгги воқеаларга АҚШнинг муносабатини айтиб бериш ҳақидаги илтимосига жавоб қайтариб, Кеннеди Конгодаги аҳвол жуда ҳам беқарордир, деди. Президент Хавфсизлик Кенгашининг яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўмондонлиги учун янги инструкциялар қабул қилганлигини табриклади ва АҚШ бу инструкцияларнинг бажарилишини кутмоқда, деди.

Мухбирларнинг бири Америкадаги бир қанча экономистларнинг яқинда айтган гаплари тўғрисида ўз фикрини изҳор қилишни президентдан илтимос қилди. Ана шу экономистлар мамлакатнинг ички иқтисодий аҳволи эндиликда ёмонлашмай, яхшиланиб бормоқда, деб даъво қилгач эдилар.

Кеннеди бу фикрни рад этди. У айтдики шундай гапларни айтиш ва шундай хулосалар чиқариш учун ҳали фурсат бор Бизда, деди президент. Ўз ҳаёти тамомила ишсизлик юзасидан бериладиган нафақага боғлиқ бўлган неча юз минглаб кишилар бор, америкаликлардан бир неча миллион киши ҳали ҳам иш тополмаётир.

Кеннеди матбуот конференцияси давомида канцлер Аденауэрнинг «фикр алмашиш» учун 12 апрелда икки кунлик визит билан Вашингтонга келажагини билдирди.

МАРОКАШ КОРОЛИ МУҲАММАД V НИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

РАБОТ, 1 март. (ТАСС). Кеча бу ерда Марокаш короли Муҳаммад V ни дафн этиш миллий маросими бўлди. Король жасади солинган тобут арталабдан король саройи «Машвар»нинг катта майдонига қўйилган эди.

Тушдан кейин тобут артиллерия лафетига қўйилди ва мотам юриши бутун шаҳардан ўтиб «Тур Ҳасан» мачити томон йўл олди. Король Ҳасан II, король оиласининг аъзолари, Тунис президенти Бургиба, Сенегал Министрлар Советининг Раиси Мамаду Диа, бир қанча мамлакатларнинг делегациялари, Марокаш ҳукуматининг аъзолари, дипломатик корпус тобут олдида бордилар.« Тур Ҳасан» мачитида жаназа ўқилди.

Сўнгра мотам юриши яна король саройига қайтиб келди ва королнинг жасади Мулай Ҳасан мақбарасига қўйилди.

Король Муҳаммад V вафоти муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг таъзия билдириб юборган телеграммалари «Пти Марокэн» ва «Вижи Марокэн» газеталарида босиб чиқарилди.

РАКЕТАЛАР УЧИРИЛАДИГАН МАЙДОНЧАДА ПОРТЛАШ

ЛОНДОН, 1 март. (ТАСС). Форт—Черчиллдаги (Канаданинг Манитоба вилояти) Америка—Канада ҳарбий базаси яқинида жойлашган ракеталар учириладиган майдончада, рейтер агентлигининг хабар қилишича, кеча портлаш рўй берган. Бунинг натижасида ёнғин бошланган. Етказилган зарар 2 миллион долларни ташкил этади.

Хаммаршельд БМТ бош секретари лавозимидан четлатилсин!

Чехословакия ҳукуматининг баёноти

ПРАГА, 1 март. (ТАСС). Чехословакия Социалистик республикасининг ҳукумати Конго республикасида рўй берган воқеалар муносабати билан баёнот берди. Чехословакия телеграф агентлигининг хабар қилишича, баёнотда шу нарса уқтириб ўтиладики, Чехословакия Социалистик республикасининг ҳукумати Конгодаги воқеалар хатарли ривожланаётганлигидан қаттиқ ташвишланмоқда.

Чехословакия Социалистик республикасининг ҳукумати, деб кўрсатиб ўтилади баёнотда, шундай хулосага келадики, Хаммаршельд Конго қонуний раҳбарларини йиртқичларча ўлдиришда ҳақиқатда иштирок этиб, бу мамлакатда хатарли вазиятни вужудга келган бир шароитда Хаммаршельдни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги лавозимидан четлатишдан бошқа йўл қолмади.

Чехословакия Социалистик республикасининг ҳукумати Хаммаршельдни БМТ вакили сифатида танимаслигини ва унинг билан алоқа қилмаслигини бундан олдин маълум қилган эди.

Конго халқи билан дўстлик ва бирдамлик, туйғуларига амал қилиб, Чехословакия Социалистик республикасининг ҳукумати А. Гизенга бошчилигидаги Конго республикаси қонуний марказий ҳукумати ҳузуридаги Чехословакия дипломатик миссиясининг фаолиятини тиклашга ва у ерга ўзининг дипломатик вакилини юборишга қарор қилди.

Лаосда жанглар

ХАНОЙ, 1 март. (ТАСС). Фусунг истеҳкоми районида кейинги кунларда шиддатли жанглар бормоқда. Исёнчилар ўз хўжайинларининг амрини адо этмоқ мақсадида Хумлар водиси бўсағасидаги ана шу пунктни ишғол этмоқ учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар.

«Патет-Лао овози» радиосининг хабар қилишича, исёнчилар танклар, бронемашиналар ва артиллерия мададида Фусунгга икки марта ҳужум қилдилар, бироқ ҳукумат қўшинлари томонидан қаттиқ зарбага учраб катта талофот кўрдилар.

Сала-Фукундан шимолроқда исёнчилар отряди миналар кўмилган майдонга дуч келдилар. Бунинг натижасида исёнчилардан 12 киши ўлган ва ярадор қилинган.

Шу куни ҳукумат қўшинлари Сала-Фукундан жануброқда душманга қарши ҳужум қилдилар. Исёнчилар ўз позицияларига чекиндилар.

Телевизор экранида

3 МАРТДА

19.00. **Ёшлар учун ўзбек тилида «Геолог қиқояси» деган эшиттириш.**

19.35. **«Жаҳоннинг саккизинчи чемпиони» — кино-очерк.**

19.45. **Сўнгги ахборот.**

20.05. **Рус тилида комментатор суҳбати.**

20.20 **Ўзбек тилида «Халқ кандидати» деган телевизион очерк.**

20.30. **«Совет музика маданияти» циклидан Л. В. Собинов ижодига бағишланган эшиттириш.**

21.10. **«Иккаласи бир кварталда» — ўзбек тилида бадиий фильм.**

Спорт ва физкультура

«ПАХТАКОР» КАВКАЗГА КЕТДИ

Мавсум олдидан бир неча контроль ўйинлар ўтказиш учун «Пахтакор» футболчилари 26 февралда Кисловодскка жўнаб кетишди. Пахтакорчилар у ерда тренировка ўтказаётган Москва ва Вильнюснинг «Спартак» командалари ҳамда бир неча «Б» класс футбол коллективлари билан куч синашиб кўрадилар. Шунингдек, Тбилиси «Динамо» ва Боку «Нефтяник» командалари билан ҳам учрашув ўтказиш мўлжалланган.

Кавказдаги контроль ўйинлар команданинг асосий составини ўзил-кесил аниклаб олишга ёрдам беради.

БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИГИ

Пойтахтнинг энг кучли баскетболчи эркак ва хотин-қиз командалари матчи тугади. Бир-ойлик курашдан сўнг эркаклар командалари ўртасида армия спорт клуби баскетболчилари ғолиб чиқди. Бу коллективга «Б» класс мастерларининг зоҳал биринчилигида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Иккинчи ўринни олган «Локомотив» командаси эса Ўзбекистон чемпионатида қатнашади.

Аёллар командалари ўртасида «Таштекстильмаш» заводи баскетболчилари биринчи ўринни эгалладилар. Бу команда ҳам армиячиларга ўхшаб битта ҳам мағлубиятга учрагани йўқ. Энди завод спортчилари «Б» класс мастерлари мусобақасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ

С. ГУЛЯЕВ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Халқаро шашка бўйича Фарғонада ўтказилган 8-Ўзбекистон чемпионати тамом бўлди. Мусобақада республиканинг ҳамма областлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳрининг вакиллари бўлган 16 кучли шашкачи қатнашди. Турнирда спорт мастери С. Гуляев (Тошкент) яхши натижага эришди. У 15 ионнятдан 12,5 очко тўплаб, 1961 йилги Ўзбекистон чемпиони номини олди. Тошкентлик В. Рапопорт ва Л. Берштейн ғолибдан бир очко орқада қолиб, 2—3-ўринларни эгалладилар. Бу уч шашкачи Бутуниттифоқ мусобакаларида қатнашиш ҳуқуқини олди. (ЎзТАГ).

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ЧЕМПИОННИ ДОҒДА ҚОЛДИРДИ

Округ офицерлар уйида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида Тошкент биринчилиги ўтказилмоқда. Турнир қатнашчилари орасида республика мусобақаларида бир неча марта ғолиб чиққан Лебедева, Черепанова, Козулеева, Бородкина ва бошқалар бор. Ҳозирча 10 тур ўйналди. 14 ёшли мактаб ўқувчиси Люся Гольдман 10 имкониятдан 8,5 очко тўплаб, биринчи ўринда бормоқда. Бу ёш шахматчи қиз 7 ўйинни ютди, 3 ўйинни дуранг қилди ва битта ҳам мағлубиятга учрамади. Турнирга 2-разрядга эга бўлган бу қиз ҳозирнинг ўзидаёқ биринчи разряд нормасини бажариб қўйди. Гольдман Тошкентнинг бир неча марта чемпиони бўлган Лебедева устидан ажойиб ғалабага эришди.

Сатторова. Козулеева, Черепанова ва Жизгал 7 тадан очко тўплашди. Ёш шахматчи қизлардан Аъзамова ва Портонлар ҳам чиройли ўйинлар қилиб; турнирда муваффақиятли қатнашишмоқда.

И. БИРБРАГЕР

шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён «Тошкент» Марказий сейсмология станциясининг ерости лабораториясида ернинг ҳар қандай силкиниши юзасидан узлуксиз рўйхат тузиб келинади. Уларни қопқороғи жойга ўрнатилган жуда сезгир приборлар-сейсмографлар ёзиб олади. Фотография қоғозида кичик чизиқчалар бўйлаб нур берувчи нуқталар юриб туради. Бирдан ҳалиги нуқталар жойидан қўзғалиб, махсус аппаратни ишга солди. Станциянинг ерости биносида электр қўнғироқ жиринглади ва бошқариш пультида «Диққат! Ер қимирлаяпти!» деган сўзлар ёниб кўриндй.

Ер шарида бўлиб турадиган қимирлашнинг кўпини Тошкентдагилар билишмайди. Аммо мутахассис-сейсмологларга бу дарҳол маълум бўлади. Эпицентрда ер қимирлашнинг кучи қандай бўлди, у қандай вайронликка сабаб бўлиши ва бошқа маълумотлар ҳам тезда билиб олинади. Хуллас, Ер шаридаги ҳар қандай кучли ер қимирлаш ёки катта ерости портлаши сезгир сейсмик аппаратлар эътиборидан четда қолмайди— ҳаммаси дарҳол сейсмолог-кузатувчига аён бўлади.

Ер қимирлашнинг ўзи қандай қилиб рўй беради, деган савол туғилиши табиий. Маълумки Ер шари уч асосий қисмдан: ер қобиғи, парда ва ядродан иборат. Ер ядроси 2900 километрга яқин чуқурликда ётади ва унинг радиуси

Табиатнинг даҳшатли ҳодисаси

БУНИ БИЛИБ ҚУЙИШ ФОЙДАЛИ

салкам 3,5 минг километрга етади. Ер ядроси ва пардаси ўзининг физик хусусияти жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ядро суюқ хусусияти билан фарқ қилса, парда эса қаттиқ моддалар бўлади. Аммо у пластик бўлиб, кристалл тузилиш (аморф) ҳолатига эга эмас. Парда уст томондан юқа қатлам-ер қобиғи билан қопланган. Ер қобиғининг қалинлиги ўртача 30—50 километрни ташкил қилади. Ер қобиғи текисликлар атрофида юқа бўлиб, тоғ бағриларида қалинлашади (80 километргача боради).

Минималь қалинликдаги қобиғ океанлар остида учрайди. Ер қобиғининг моддалари кристалл ҳолатда бўлади. Шундай қилиб, ер қобиғи ядроси ва пардасига қараганда анча «нозик» бўлади. Жуда сезгир сейсмограф приборларининг кўрсатишига қараганда, ер қобиғи ҳамма вақт тебранма ҳаракатда бўлиб туради. Айрим вақтларда бу нисбатан оҳиста тебранишлар кучайиб, ер қимирлашга ўтади. Ер қобиғининг жуда «нозиклиги» шунинг учун ҳам кўп ҳолда ер қимирлашга сабаб бўлади. Бу тектоник ҳодиса деб аталади.

Ер қобиғининг бутунлигини бузишга қодир бўлган ва фалокатли ларза ҳосил қиладиган мислсиз катта куч қаердан пайдо бўлади? Бу — жуда мураккаб ва ҳозирга қадар батамом ҳал қилинмаган масаладир. Лекин шуниси равшанки, ер қобиғини ҳаракатга келтирувчи кучнинг пайдо бўлишига жуда кўп факторлар сабаб бўлади. Масалан, минг километр чуқурликкача бўлган ерости моддаларининг маълум даражада қимирлаб туриши оддий факт ҳисобланади. Ер шарининг устки қисмларида температуранинг нотекис бўлиши ҳам, Ернинг айланиши билан боғлиқ бўлган кучлар ҳам, радиактив элементларнинг таъсири ҳам, тортиш кучи ҳам ўз навбатида бундай қимирлашга сабаб бўлади. Бу процессларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда тарихий даврларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилмоқда.

Ер қимирлаш — табиатнинг кам учрайдиган ҳодисаси эмас. У жаҳонининг барча сейсмологлари томонидан пухта ўрганилмоқда. Кўп йиллик текширишлар шуни кўрсатадики, ер қимирлашнинг марказлари (эпицентри) Ер шарининг устки қисмида нотекис тақсимланган. Улар кўпроқ зилзила пояслари деб аталган маълум бир зоналарга тўғри келади. Бу зоналар асосан тоғлик мамлакатларни қамраб олган. Тинч океан пояси сейсмиклик (з и л з и л а) жиҳатдан анча актив пояс ҳисобланади. Дунёдаги барча ер қимирлашнинг 80 проценти, шу жумладан кўпчилик зилзилар ҳам ана шу поясга тўғри келади.

Ўтган йилнинг май ойи ўрталарида Лотин Америкасининг жанубий қисми — Чилида юз берган катта сейсмик фалокатни билсангиз керак. Бундай зилзила тарихда жуда ҳам учраган. Чили худди ана шу Тинч океан сейсмиклик поясига кирадиган мамлакатдир.

Ер қимирлашнинг кенг доираси Охот денгизидан СССРнинг жанубий чегаралари атрофигача чўзилган. Бу ерда вайронгарчиликка олиб келадиган ер қимирлашлар ҳам бўлиб туради. Лекин бахтимизга, Чилидаги зилзиладек даҳшатли фалокат бизнинг мамлакатимизда рўй бергани йўқ. СССР территориясини ўз навбатида кичик-кичик мустақил сейсмик зоналарга бўлиш мумкин. Булар еттита. Карпат, Қрим, Кавказ, Копетдоғ, Ўрта Осиё, Байкал ва Курил-Камчатка зоналаридан иборат.

Бизнинг республикамиз жойлашган Ўрта Осиё зонаси СССРнинг бошқа зоналарига нисбатан сейсмик жиҳатдан анча актив ҳисобланади. Бу зонанинг ҳамма жойида ҳам ер қимирлаш бир хил бўлмайди: чунончи, ер қимирлаш Тожикистон ССР территориясида кўпроқ бўлади.

Биз ҳозирча ер қимирлашни олдиндан айтиб беролмаймиз, лекин айни чоқда бу табиий фалокатга қарши чоралар кўриш имконига эгамиз. Сейсмолог-олимлар у ё бу сейсмик зонада ер қимирлаш марказларининг қайси жойда эканлигини ўрганиб, ернинг устки қисмида ер қимирлашнинг қай даражада бўлиши мумкинлигини аниқлаб берадилар. Олинган натижаларга қараб, СССР барча территориясининг махсус картаси тузиб чиқилган. Бу — баллик картаси деб аталади. Бинокор-олимлар ана шу карталар асосида сейсмик жиҳатдан хавфли районларда қуриляшларга нисбатан аниқ талабларни ишлаб чиқишган. Уй-жой ва жамоат бинолари қураётганда ана шу талабларга амал қилиш ер қимирлаш натижасида кишиларимизнинг зарар кўрмаслигини таъминлайди.

В. УЛОМОВ,

ЎзССР Фанлар академияси «Тошкент» Марказий сейсмология станциясининг мудири.

Тошкентнинг тамоша заларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Риголетто**, 4/III да **Шаҳризода, Штрауснана, Болеро.** 4/III га эълон килинган **Оққуш кўли** 11/III га кўчирилади «4/III» штампли билетлар ярайди.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Олма гуллаганда**, 4/III да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Ошиқ Ғариб**, 4/III да **Хоразм эртаси.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Озарбайжон давлат цирки**, жаҳон экс-чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери **Григорий Новак гастроллари.** Тамошалар давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар қатнашади.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Шимол камалаги — «МИР», НАВОИЙ номли, (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 2, кеч 6, 8 ва 10 да).

Серқуёш водий серенадаси — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 кеч 5, 7 ва 9 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 мартда

АФҒОНИСТОН РАДИОСИ АРТИСТЛАРИ

ижросида

КОНЦЕРТ

(14 кишидан иборат)

Ансамбль раҳбари — **Рашид Латифи.**

Ашулачилар: **Ҳиёл, Тала, Насим, Ҳусти, Қасими,** афғон халқ чолғу асбоблари ансамблида: **Омар, Нангислай, Наҳрави, Сормат** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

5 мартда

ЎЗБЕКИСТОН РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ БОШҚАРМАСИ ВА ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ СОЛИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА

концерт

Концертда: **Карим Мўминов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Сора Шукурова, Жамила Қаландарова, Раҳима Ҳакимова, Вилоят Оқилова, Тоштемир Шарипов** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ЗАВКОМ ВА МЕСТКОМЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентнинг ёқилғи складларида

КЎМИР БОР

Бу кўмир аҳолига 1961 йилнинг 1-квартали учун берилган ва 1-апрелгача ярайдиган ордерлар бўйича сотилади.

Ордерлар район ижроия комитетлари томонидан завод, фабрика, ташкилот ва муассасаларнинг касаба союз ташкилотлари орқали берилади.

Тошкент ёқилғи базаси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

4-БЕТ, 3 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси. 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими —29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 09057. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б. 1544.